УзССР Давлат китоб палатаси
12 СЕН 1991

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 178 (21. 045) 1991 йил 12 сентябрь, пайшанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

ДАСТЛАБКИ ТОННАЛАР

ШЕРОБОД. В. Қодиров номли давлат хўжалигида 2773 гектардаги пахта ҳосилининг ҳаммасини машиналар билан териб олиш мўлжалланмоқда.

Хўжалик ихтиёридаги 75 та терим агрегати мавсумга яхши тайёрланди. Ў. Чориев, Ҳ. Усмонов каби механизаторлар эса 5 сентябрдан агрегатларини далага олиб чиқишга улгурдилар.

8-бўлимнинг Ч. Сафаров, Ҳ. Файзиев бошлиқ бригадаларида ҳам дастлабки тонналар бункерлардан тўкилди.

Термиз районидаги «Гулбаҳор» давлат хўжалигида ҳам мўлжал шундай: бор пахтани асосан техника кучи билан йиғиштириб олишади. Ҳозир вилоятнинг кўпгина хўжаликларида бу борада ишлар бошлаб юборилди.

Ҳозирга қадар пахта териш машиналарининг 85 фоизи мавсумга тайёр. Қарийб 400 машинани тезроқ созлаб, сафга қўшиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Дўстлик районидаги Саркисов номли давлат хўжалигининг илғор механизатори Мамадиёр Жўраев ўз звеноси билан 38 гектар майдонга чигит экиб, уни меҳр билан парвариш қилди. Натижада барча майдонларда мўл ҳосил етиштирилди. Звено аъзоларини ҳосил чўғини кўриб, ҳар гектар ердан режадаги 26 центнер ўрнига 30 центнердан ҳосил олишни мўлжалламоқдалар. Мамадиёрнинг ўзи эса «зангори кема» билан 150 тонна пахта териб бермоқчи.

Суратда: Мамадиёр Жўраев.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

ХИРМОНГА БАРАКА

МУКОФОТЛАР ЭГАСИНИ КУТМОҚДА

Жамоа хўжалигимиз пахтакорлари 1350 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирдилар. Лўппи-лўппи чаноқлар кўзни қамаштиради. Энди уни қисқа муддатда йиғиб териб олишдан муҳимроқ вазифа йўқ. Шунга кўра бир қатор тадбирларни ишлаб чиқдик.

Аввало, йиғим-теримга бир мингдан зиёд теримчи, 23 та пахта териш, саккизта кўрак териш ва олтита кўрак чувиш машиналари жалб қилинади. 1100 гектар майдондаги ҳосил машиналар ёрдамида терилади. Ҳозир барча техника восталарга мавсумга шай. Машина теримига ажратилган майдонлардаги ғўзалар барги сунъий равишда тўктирилмоқда.

Пахтани териб олиш ва унинг сифатига зиён етказмаслик мақсадида бригадалардаги асфальт майдончалар тартибга келтирилди. Ҳар бир бригадада уч-тўрттадан сувоқ қилинган хирмон жойлар, 3,5 мингта этак, эллик дона қўл тарози ҳозирланди.

Ҳосилни қабул пунктига пешма-пеш етказиб туриш учун учта юклагич, 41 та тележка шай турибди. Машина терими бригадаларнинг жойлашувига қараб группа усулида ўтказилади. Дала заҳматкашлари иссиқ овқат, мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари билан таъминланмоқда. Техника қарови қатъий назоратда. Машиналарга тажрибали механизаторлар бириктирилди.

Бу йил кўпгина бригадаларимиз ҳосилнинг саксон-тўқсон фоизини техника ёрдамида жамғаришга аҳд қилганлар. Улардан О. Қодирова, Ў. Қўйлиев, Э. Тошраев, Х. Умаров, О. Раупов, Э. Абдуазизов, Э. Норқулов бошлиқ бригадалар йиғим-терим мавсумига ҳар томонлама тайёргарлик билан киришяптилар.

Пахта терими даврида қўл ва машина терими илғорлари муттасил моддий рағбатлантирилиб борилади. Республикамиз Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг колхозчилар ва совхозлар ходимларининг 1991 йил пахта ҳосилини ўз вақтида, сифатли йиғиштириб олишдан моддий манфаатдорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ҳақидаги қарори асосида жамоа хўжалиги уюшмаси илғор жамоалар, теримчи ва механизаторлар учун махсус қимматбаҳо мукофотлар жорий этди. Йиллик пахта тайёрлаш режасини биринчилардан бўлиб бажарган (экин майдонларига қараб) бригадаларнинг ҳар бири 270 сўмдан 300 сўмгача пул ва бир бош қўй билан мукофотланади. Аъзоларига ҳам шундай қимматбаҳо мукофотлар берилади.

Терим иштирокчиларига ҳар беш-ўн кунда ҳақ нақд тўланади. Мукофотлар ҳам белгиланган шартлар бўйича бериб борилади. Бу эса пахта теримида меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлайди, деган умиддамиз.

Дала шийпонларида теримчиларнинг яхши ишлашлари ва ҳордиқ чиқаришлари учун қулайликлар яратилди.

Давлатга уч минг тоннадан зиёд пахта етказиб бериш вилоятдаги хўжаликлар орасида биринчилар қатори режани бажариш учун бутун имкониятларини ишга соламиз.

Ф. ПЎЛАТОВ,
Қарши районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги бошқаруви ранси,

О. БУРОНОВ,
хўжалик партия ташкилоти котиби.

ТАРОЗИГА ҚЎЙИЛДИ

Хоразмлик пахтакорлар ҳар йилгидек кенгашиб олишди. Хонқа районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги боғида бўлиб ўтган анжуманда ҳосилни тез ва соз йиғиб-териб олиш йўллари ҳақида мутасадди идоралар раҳбарлари ахборот беришди, тажрибали деҳқонлар сўзга чиқишди. Ана шундан кейин янги мавсумга оқ фотиҳа берилди.

Дастлабки пахта карвонини хонқаликлар бошлаб беришди. Шу куни улар хирмонга беш минг тоннага яқин ҳосил топширишди. Кейинги кунлари вилоятнинг барча районларидаги тарозиларга ҳам тантанали равишда тош қўйилди. Бу йилги ҳосилни қабул қилиб олишга киришилди.

— Мавсумнинг қийин кетишини яхши тушунамиз, — дейди Урганч районидаги Энгельс номли жамоа хўжалиги раиси Қ. Зарипов. — Сабаби чигит кечроқ экилди, сувнинг етишмаслиги ҳам анчамунча ташвиш туғдирди. Шунга қарамай деҳқонларимиз енг шимариб, оқилона меҳнат қилдилар. Эндиликда ана шу машаққат билан етиштирилган ҳосилни қисқа муддатда териб олиш чораларини кўряпмиз. Терим машиналари асосий таянчимиз бўлади. Режадаги пахтанинг 60-70 фоизини улар ёрдамида йиғиштириб олишни кўзлаб турибмиз.

Шундай нақл бор: майдонга тушган полвон пешонасини қашлаб турмайди. Хоразмлик пахтакорлар азалдан фидойилиги билан довруг тараттиб келишган. Аминмизки, уларнинг бу йилги меҳнат ғалабалари янада катта бўлади, далаларда етиштирилган мўл ҳосил қисқа фурсатларда нобуд қилмасдан йиғиштириб олинади. Бунинг учун вилоятда ҳамма имконият бор.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ПРЕЗИДЕНТИ ЎРТОҚ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА МУРОЖААТНОМА

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Биз қандолат фабрикасининг кўп миллатли меҳнаткашлари сизнинг жумҳуриятимиз мустақиллиги йўлида олиб бораётган ишларингизни мамнуният билан қарши оляпмиз.

1991 йил 19—21 август кунлари мамлакатда содир бўлган машъум воқеаларда Ўзбекистон Республикаси ўз қонуний Конституциясига суянган ҳолда вазиятни барқарор ушлаб дадил қадам босгани бизни беҳад қувонтиради.

Бугунги кунда ўзини жумҳуриятимизнинг ҳалол ва виждонли фуқароси, асл фарзанди деб ҳисоблаётган ҳар бир кишининг мамлакатда қандай вазият вужудга келганини, унинг кўпгина минтақалари ва ноҳиялари иқтисодий, сиёсий, ўзаро ва миллатлараро ларзаларга дуч келаётганини кўрмасликка ҳаққи йўқ.

Йиллар давомида пахтамиз ва қазилма бойликларимиз хом ашё сифатида четга чиқиб кетаётгани, бундан эса иқтисодиётимиз беҳисоб зарар кўраётгани сир эмас.

Жумҳурият мустақил бўлмас экан, халқимиз аянчли аҳволга тушиб қолиши ҳеч гап эмас.

Шунинг учун биз ҳам Ўзбекистон Жумҳуриятининг суверенитети тўғрисидаги Декларация принципларини ривожлантиришдаги янги қадамларини жадал қўйиши, яқин келажакда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиши тарафдоримиз.

Тарихимиз, тилимиз, урф-одатимиз бир бўлган қўшни Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари билан кейинги йилларда дўстлик ва ҳамкорлик кенгайиб бораётганлиги бизни беҳад қувонтирмоқда.

Биз соғлом фикрли инсонлар ва ҳамма ташкилотлар биргалашиб ўзаро ҳурмат билан қонун доирасида ишлашлари тарафдоримиз. Айниқса, ҳозирги вазиятда ҳаммамиз куч-ғайратларимизни бирлаштиришимиз керак.

Ўзбекистон сиёсати — ҳар доим фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлик сиёсатидир.

Бу иноқликка раҳна солмоқчи бўлганларнинг юзи қора бўлади.

Оғиздагина иш битирадиган вайсақи, маҳмадона кишиларнинг гапларига эътибор берманг.

Жаҳонга ўзининг етук алломалари-ю саркардаларини етиштириб берган, ҳамдўстлиги, ҳокисорлиги, меҳмоннавозлиги билан танилган ўзбек халқининг фаровонлиги йўлида ўз-сиёсатингизни амалга оширишда, мустаҳкам туришингизда биз сиз билан ёнма-ёнмиз, ҳамиша сизни қўллаб-қувватлаймиз.

Ушбу Мурожаатнома қандолат корхонасининг ишчи ва хизматчилари томонидан умумий мажлисда тасдиқланган.

Корхона раҳбари — **М. К. ИКРОМОВ.**
Меҳнат уюшмасининг раиси — **К. А. ЭРГАШЕВА.**
Касаба уюшмасининг раиси — **С. И. ДОБИЧИНА.**

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. КАРИМОВГА

Жумҳуриятнинг бундан буён Ўзбекистон Республикаси деб аталиши ва унга мустақиллик берилишидан чексиз шодмиз. Биз ҳамма вақт сиз билан биргамиз.

Оржоникидзе ноҳия фахрийлар кенгашининг аъзолари:
Ғулом Каримов — Совет Иттифоқи Қаҳрамони.
Меҳринисо Убайдуллаева — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ПРЕЗИДЕНТИ И. КАРИМОВГА

Биз, самарқандлик ижодкорлар она юртимиз бағрига теккан мустақиллик шабадаларидан бениҳоя миннатдормиз. Авлодларимиз орзу қилиб келган мана шу ёруғ кунга шукроналар айтамиз. Сизга, ҳурматли Президентимиз, бобомиз Темур қатъиятини, жасоратини ва адолатини тилаймиз.

Мустақилликдек буюк кучни бутун жон-жаҳдимиз ва ақл-идрокимиз билан ҳимоя қиламиз, деб самарқандлик ёзувчилар номидан

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят бўлими ва тарғибот маркази.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ПРЕЗИДЕНТИ И. КАРИМОВГА

Тошкент шаҳар масжидларининг имом хатиби Абдураҳмон Ҳожи Раҳматулло ўғли ва Яккасарой масжидининг номозхон аҳли, маҳалланинг барча фуқаролари сизни мустақиллик байрами билан муборакбод этадилар. Халқимиз бахтига ҳамиша омон бўлинг. Барча олий ниятларимиз амалга ошаверсин.

Ориф Алимахсумов, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Яккасарой маҳалла қўмитасининг раиси.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ПРЕЗИДЕНТИ И. КАРИМОВГА

Ўзбек халқи билан еримиз, сувимиз, кундалик бозорўчарларимиз бир. Колхозимизнинг 2000 гектар ери Сирдарёдан сув ичади. Қозонларимиз Ўзбекистон гази билан қайнайди. Жумҳурият мустақиллик кунини ўзбек бирodарларимиз билан бирга нишонладик.

Ўртоқ Каримов, сиз орқали мустақил Ўзбекистон халқига барча соҳаларда каттадан-катта муваффақиятлар тилаймиз. Мустақиллик йўли — янгиланиш йўли доимо порлоқ бўлсин.

Куркат қишлоғининг 20 минг аҳолиси номидан Тожикистон Республикаси халқ депутати, СССР 50 йиллиги номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси А. Жабборов.

* * *

ТОШКЕНТ, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ЖУМҲУРРАИСИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Жаноби олийлари! Ўзбекистон ҳукумати ва ўзбек халқини улкан воқеа — Мустақиллик куни билан чин дилдан қутлашга ижозат бергайсиз. Сизга, сиз орқали ўзбек халқига тинчлик, хотиржамлик, бахт-саодат тилаймиз.

Неъматулла Тожиддин Хўжа Андижоний, Раҳматулла Неъматулла, Абдулла Неъматулла, Фазлиддин Неъматулла,
Саудия Арабистони, «Неъматулла» тижорат корпорацияси.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. КАРИМОВГА

Ўзбекистон тарихида қоладиган Мустақиллик куни билан сизни чин дилдан табриклайман. Жумҳуриятимизнинг янада ривож топишида сизга олло-таолонинг марҳамати бўлсин.

Ҳаққингизга доимо дуо қилиб турувчи,
Зайниддин Ҳожи Фахриддин ўғли, халқ боғбони.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. КАРИМОВГА

Ўзбекистон халқи учун унутилмас воқеа рўй берди — мустақиллик эълон қилинди. Амир Темур ва улуғ шоир Алишер Навоий қадамлари теккан Китобда ҳам бу унутилмас кун катта шоду хуррамлик билан кутиб олинди. Бутун диёримиз аҳолиси қатори китобликлар ҳам мустақилликни ҳимоя қилишга ва уни сақлаб қолишга бел боғлаганлар.

Бу тупроқда ўтган табаррук инсонлар ҳаққи-ҳурмати, эрк, мустақиллик учун жонларини фидо қилганлар ҳаққи-ҳурмати аҳил ва тотув бўлишимиз, бир-биримиздан марҳаматимизни аямаслигимиз керак. Сизни, муҳтарам Президент, сиз орқали жумҳуриятимизнинг барча фуқароларини улуғ айём билан муборакбод этамиз. Мустақиллик барқарор бўлсин!

Китоб район ва шаҳар Советлари, Китоб район партия комитети.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА СУҲБАТ

11 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Японияда чиқадиган «Аэра» ҳафтаномасининг махсус мухбири ёзувчи Урумни қабул қилди.

Суҳбат чоғида республиканинг янги Иттифоқ шартномасини имзолашга, Ўзбекистон Компартиясининг бундан кейинги тақдирига тааллуқли масалалар тилга олинди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон мустақил деб эълон қилиниши билан боғлиқ ўзгартишларга, бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги иқтисодий сиёсатга алоҳида эътибор берилди. Ўзбекистон суверенитетининг асосий мақсади — республикада яшаётган барча кишиларга тенг ҳуқуқни таъминлашдан иборат эканлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов республикани ривожлантиришнинг истиқболларига тааллуқли бир қанча саволларга ҳам жавоб қайтарди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Б. Ф. ЖАЛОЛОВГА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ РАССОМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Юксак бадиий асарлар яратганлиги, монументал ва дастгоҳий ранг тасвирни ривожлантириш ишидаги хизматлари, самарали ижтимоий фаолияти учун Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси бошқарувининг раиси ўртоқ Баҳодир Фазлиддинович Жалоловга «Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти — **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1991 йил 11 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Р. С. АЗИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Рустам Содиқович Азимов Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқарувининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти — **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1991 йил 11 сентябрь.

Рустам Содиқович АЗИМОВ

1958 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий маълумотли, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари олий илмгоҳини, В. И. Ленин номли Тошкент давлат дорилфунунини тамомлаган. Иқтисод фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1979 йилда «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси операторининг шогирди сифатида бошлаган. 1980 йилдан 1990 йилгача комсомол, партия ишида бўлган, муаллимлик қилган.

1990 йилнинг августидан «Ипак йўли» ўзбек инновация-тижорат банки бошқарувининг раиси.

Партия халқпарвар бўлсин

ТОШКЕНТ. («Ўзбекистон овози» мухбири). Тошкент вилояти партия қўмитасининг навбатдан ташқари XXV конференцияси бўлиб ўтди. Вилоят партия қўмитаси биринчи котиби С. Д. Сайдалиев маърузаси билан бошланган анжуманда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси билан Марказий назорат комиссияси қўшма пленумининг якунлари ва вилоят партия ташкилотининг вазифалари , атрофлича муҳокама қилинди.

Маруза ва нотиқлар чиқишларида КПСС Марказий Қўмитаси, унинг Сиёсий бюроси, Котибияти раҳбарияти айрим қисмининг давлат тўнтариши пайтидаги субутсизлиги, мамлакат ва партияни инқирозга олиб келганлиги таъкидланиб, асос солинажак янги партия ҳамма жабҳада халқ манфаатларини ҳимоя қиладиган, миллатлараро муносабатларни тубдан яхшилашга хизмат этадиган партия бўлмоғи лозимлиги алоҳида уқтирилди. Бу борада республика раҳбарияти амалга ошираётган изчил йўл қўллаб-қувватланди. Ўзбекистон мустақил республика деб эълон қилинган экан, демак унинг сиёсий, мафкуравий вазифаларини ҳаётга татбиқ этувчи кучли партия ташкил этилиши ҳаётий масаладир. У биринчи навбатда халқ таъминотидаги беқарорлик ва тақчилликни бартараф этишда катта роль ўйнаши лозим. Шу муносабат билан республика партия ташкилоти Ҳаракат дастури ва Устави тубдан ислоҳ қилиниши талаб этилади. Токи бундай партия ўзининг мустақил йўлига, овозига, мақсадига эга бўлсин.

Конференция қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси навбатдан ташқари XXIII съездига делегатлар сайлашди.

Анжуманда Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссиясининг раиси С. М. Мамарасулов қатнашди.

●

ТЕРМИЗ. («Ўзбекистон овози» мухбири). Сурхондарё вилоят партия ташкилотининг навбатдан ташқари конференциясида вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби Х. Э. Бердиев мамлакатдаги, республикадаги сиёсий аҳвол ва вилоят партия ташкилотининг вазифалари ҳақида маруза қилди.

Маърузачи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар фавқулодда давлат комитети атрофига уюшган фитначиларнинг Конституцияга зид хатти-ҳаракатларини қораладилар. Шунингдек, бутун партия ҳаётида, хусусан вилоят партия ташкилоти фаолиятида йўл қўйилган камчиликларга принципиал баҳо бердилар. Сурхондарёлик коммунистлар Ўзбекистон Компартиясининг фавқулодда XXIII съездига катта умид билан қарамоқдалар. Партия ўз фаолият услубини тубдан яхшиламоғи керак. Одамларнинг дард-ташвишларини зиммага олиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш янгиланган партиянинг бош вазифаси бўлмоғи керак. Конференция Ўзбекистон Компартиясининг фавқулодда XXIII съездига делегатлар сайлади.

Конференцияда қатнашган Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиби А. Абдувосиқов нутқ сўзлади.

●

Самарқандда навбатдан ташқари XXV вилоят партия конференцияси бўлди. Самарқанд вилоят партия комитетининг биринчи котиби П. М. Абдураҳмонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссияси қўшма пленумининг якунлари ва вилоят партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида маруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққан кишилар давлат тўнтариши рўй берган ташвишли кунларда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг, айрим раҳбарларининг кўрсатган фаолиятсизлигини қаттиқ қораладилар. Келажакда партия ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий вазифаларни ҳал этиш борасида ўз сиёсатини изчиллик билан ўтказиши, халқ билан доимо маслаҳатлашиб туриши кераклиги таъкидланди. У мустақил бўлиши, муштарак мақсадларга эришиш учун бошқа партиялар ва ҳаракатлар билан мустаҳкам ҳамкорлик қилиши даркор.

Конференцияда Ўзбекистон Компартиясининг фавқулодда XXIII съездига делегатлар сайланди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ ФАВҚУЛОДДА XXIII СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

ИСМИ ЖИСМИГА МОНАНД БЎЛСИН

Мустақил сиёсий ташкилот бўлмиш республика Компартияси ўзбек халқи, Ўзбекистондаги барча халқлар мустақилликка эришганлиги муносабати билан ҳамда бундан буёнги фаолиятининг бутун мажмуини кўриб чиқиши зарурлигини ҳаётнинг ўзи қатъий равишда кун тартибига қўймоқда. Съезд худди шу мақсадда чақирилаётир.

Шу муносабат билан бир оддий партия фахрийси сифатида баъзи мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Маълумки, қайта қуриш ва демократия республикамизда кадрларни оммавий равишда қалтаклашдан, қоралашдан, уларга ноҳақ зулм ўтказишдан бошланди. Миллий туйғулар, халқимиз ардоқлаган анъаналар оёқ ости қилинди, камситилди. Республика Компартияси Марказий Қўмитасининг ўша пайтдаги раҳбарлари марказнинг буюк давлатчилик шовинизми сиёсатини ўтказишда ялтоқлик билан хизмат қилдилар. Ўз халқи, ўз миллати таҳқирланаётганлигига, «ўзбеклар иши» тамғаси билан бутун мамлакатга, бутун дунёга шарманда қилинаётганлигига бефарқ қарадилар. Табиийки, бу ҳолат партиянинг омма ўртасидаги обрўсига жиддий путур етказмасдан, кишилар қалбини маънавий жароҳатламасдан иложи йўқ эди. Бу аҳволга баъзилар дош беролмадилар ва бундай партияда мен ортиқча туролмайман, деб чиқиб кетишди. Бу ҳол бизда оммавий тус олмаган бўлса ҳам лекин шундай ҳоллар юз берганлигидан кўз юма олмаймиз. Бундайлар орасида, афсуски ўз юртига ўта садоқатли кишилар ҳам бор эди.

Яна бир ҳолатни эътибордан қочирмасликни хоҳлар эдим. Ўзбекистон партия ташкилоти бутун ўтган давр мобайнида ўзича тўла мустақил бўлиб бирор иш қила олмаган. У КПССнинг бир тармоғи бўлган холос. Аслини олганда иттифоқдош республикалар Компартияларининг роли ва мавқеи область партия ташкилотлари даражасидан унчалик кўп фарқ қилмаган. КПСС раҳбарияти уларга ўз кўрсатмаларини сўзсиз ижро этувчи аппаратнинг давоми деб қараган. Республика Компартияси Марказнинг хоҳиш-иродасини ифода этиб, унинг буйруқларини бенуқсон бажарган. Раҳбарлар марказ вакили таҳрир қилган маърузани баъзан унда гап нима ҳақида кетаётганлигини билмаган ҳолда ўқийверишган.

Шуларни ҳисобга олиб, айниқса 19-21 август кунлари давлат тўнтариши вақтида КПСС Марказий Комитети раҳбариятининг тутган йўли — халққа қарши, Конституцияга қарши хатти-ҳаракатларини ҳисобга олиб, республика Компартияси КПССдан алоқасини узиб, тўғри иш қилди.

КПСС Марказий Камитети, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси ва Котибиятининг собиқ раҳбарлари тутган йўл, ортодоксал фикрловчи ва уларнинг йўлини қўллаб-қувватловчи ақидапарастлар қилган жирканч ёвузликлар, сохтагарликлар, жиноятлар эндиги кунда кенг афгор оммага ошкор бўлаётир. Шу сабабли республика Компартияси КПСС Марказий Комитети билан ҳар қандай алоқаларни тўхтатиб, КПССнинг барча тузилмаларидан чиқканлигини эълон қилиб, тўғри йўл тутди. Агар исён кунлари КПСС Марказий Комитетининг раҳбариятидан иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига келган кўрсатмалар кўр-кўрона бажарилганда борми, уларнинг оқибати нима билан тугарди? Ахир мамлакатнинг баъзи ерларида шу зайлда иш тутилди-ку! Хайрият, улар бармоқ билан санарли бўлди.

Устав ва Дастуримизни бутунлай қайта кўриб чиқишимиз, ўз йўлимизни маҳаллий шароитдан, халқнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда, ўзимиз белгилашимиз йўли танланганлиги — энг тўғри йўлдир. Шу билан бирга, партиянинг номини ўзгартириш борасидаги таклифни жуда-жуда зарур деб ҳисоблайман. Тўғри тушунинг, партия фахрийси сифатида бу гапларни айтиш мен учун ҳам қанчалик оғир эканлигини сўз билан ифодалай олмайман. Лекин ҳаёт хулосалари, воқеалар, далиллар бизнинг шахсий ҳиссиётларимиздан, хоҳишимиздан устун эканлигини ҳисобга олишга мажбурмиз.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленумида маъруза қилган ўртоқ И. А. Каримов съездда қабул қилинадиган дастурий ҳужжатларга мувофиқ партия номини ўзгартириш тўғрисидаги масалани қўйиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Мен бу таклифни қизғин қўллаб-қувватлайман. Фикримни соддароқ қилиб тушунтиришга уриниб кўраман. «Коммунизм йўли» деган кўчадан хўп юрдик, мўл юрдик — оз эмас 70 йил. Биз эътиқод қўйган нарса сароб бўлиб чиқди. Бу, албатта, ҳаммамиз учун даҳшатли фожиа. Лекин эндиликда эсанкирамасдан, ҳовлиқмасдан, босиқлик билан бутунлай принцип жиҳатидан бошқа йўлдан юрмоқчимиз. **Шундай экан бу кўчанинг номи ҳам ўзгача бўлмоғи даркор. Бордию кажбахслик қилсак, яна эски ақидаларга ёпишиб, қайсарлик қилсак, назаримда, тўғри йўл тутмаган бўламиз. Қисқаси, мен социал демократик йўлни танлашни таклиф қиламан. Кўпгина тараққий этган мамлакатларда давлатларни ана шундай йўналишдаги партиялар узоқ вақтлардан бери кўнгилдагидек бошқариб келмоқдалар.** У ерлардаги иқтисодиётнинг аҳволига, кишиларнинг турмуш шароитига биз ҳавас билан қараяпмиз. Ишонаманки, мазкур таклиф ўртага ташланса, партия аъзолари, айниқса, унинг кекса авлоди, тўғри тушунади. Бу йўл чет эл мамлакатлари билан алоқаларимизни ривожлантиришда ҳам муҳим роль ўйнашига шубҳа қилмайман.

Ҳозир кескин бурилиш даври, деярли ҳамма нарсани — қарашларимизни ҳам, нуқтаи назаримизни ҳам, руҳиятимизни, турмуш тарзимизни, ишга муносабатимизни ҳам кескин ўзгартирадиган давр. Эски қарашлар, шиор ва чақириқлардан, асоссиз сафсатабозликдан воз кечадиган пайт. Дадил бўлайлик, республика мустақиллиги эълон қилинганлиги, истиқбол йўлини танлаганлигимиз ҳар биримизга янги куч-қувват берсин. Ҳаёт ва воқеалар жараёнининг думида судралиб юрмасдан ишонч ва имон билан, мардлик ва жасорат билан олға интилайлик. Халқ бизга мададкор бўлса бас.

Биргаликда, бамаслаҳат республика меҳнат аҳлининг манфаатлари бош масала қилиб олинган ҳолда партия қиёфаси ва моҳиятини кескин ўзгартириш, унинг Дастури ва Уставини принципиал ўзгартириш масаласи кун тартибида турибди ҳозир. Ана шу ўзгартишлардан сўнг қабул қилинадиган ҳужжатлар моҳиятига мувофиқ равишда партиянинг номини ҳам ўзгартириш тўғрисидаги масала XXIII съездда кўриб чиқилмоқчи. Менимча, жуда тўғри йўл тутилмоқда.

Бутунлай янгиланган партиямиз — уйғониш партияси бўлади. Ўзбек халқининг уйғониш даври, ўзлигини англайдиган, ўз ҳақ-ҳуқуқларини амалда танийдиган давр келди ҳозир. Янги партия шу йўналишда енг шимариб фаолият кўрсатади, деб ишонаман.

Янги партиямизни халқ партияси деб аташга лойиқ ишлар билан обрўсини оширайлик. Халқ манфаатларини ҳар нарсадан устун қўйишини ҳар қадамда таъкидлайлик. Республикада яшаётган барча халқлар манфаатини тенг тутиш, инсон ҳуқуқлари, ижтимоий адолатни таъминлаш — янгиланган партия фаолиятининг асоси эканлигини унутмайлик.

Ниятим шуки, партиямиз республика ва мамлакатда рўй бераётган жараёнлардан орқада қолмасин. Етилган муаммоларни аҳиллик ва бирдамлик билан қадам-бақадам ҳал этиб борсак, партиянинг жамиятда тутган ўрнини, фаолият шакллари ва услубларини ҳаётнинг боришига қараб ўзгартириб, такомиллаштириб борсак, айни муддао бўлади.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ,
меҳнат ва партия фахрийси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

Самарқанд вилояти. Пайариқ районидаги «Партия XXII съезди» жамоа хўжалиги сут-товар фермаси жамоаси ойлик режаларини ҳамиша ортиғи билан бажармоқда. Сут соғувчилар орасида Нодира Тошева кўпчиликка ибрат бўлаётир. У ўз боқимидаги 20 бош сигирдан йил охиригача 33 тонна сут соғиб олишга аҳд қилган. Айни пайтда у ҳар куни ҳар бош сигирдан 8-10 килограммдан маҳсулот олаётир. 8 ойлик режани эса ортиғи билан бажариб қўйган.

Суратда: илғор сигирсоғар Нодира Тошева.

К. ТУРСУНОВ олган сурат.

Бухоро вилояти. Шофиркон районида кейинги пайтда хушхур мойжувоз ёғи тайёрлаш кўпайтирилмоқда. Яқинда Дўрмон матлубот жамияти қошида электр қуввати билан ишлайдиган мойжувоз қурилиб, ишга туширилди. Бир сменада 14 килограммгача мой олинмоқда. Райондаги пахта заводи ва тайёрлов идораси мойжувозга хом ашё етказиб бермоқда. Бу ерда Сирож Очилов астойдил меҳнат қилиб, одамлар олқишига сазовор бўлаётир.

Суратда: С. Очилов.

К. Каримов олган сурат.

Андижон вилояти. Кейинги йилларда Бўз районида кичик саноат корхоналарига катта эътибор берилаётир. Жумладан, яқинда очилган атлас тўқиш цехида 60 нафар қиз-жувон меҳнат қилаётир. Бу ерда ойига 110 минг сўмлик маҳсулот тайёрланмоқда.

Суратда: илғор тўқувчи Маърифат Сайфуддинова.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

МАТЕРИАЛЛАРИМИЗ ИЗИДАН

МУАММО МУАММОЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА

Таҳририятга Сурхондарё вилоятининг Гагарин районида истиқомат қилувчилардан келган хатда шундай дейилади:

«Районимиз вилоят маркази Термиз шаҳридан қарийб 60 километр узоқда жойлашган. Шу йўналишда хизмат қиладиган автобуслар район марказига ўз вақтида етиб келмайди. Келганлари ҳам тиқилинч бўлганлиги учун «Гагарин», «Янгиобод», Акмал Икромов номли, «Искра» совхозларида яшовчи йўловчилар автобусларга чиқолмай йўлларда сарсон бўлишяпти.

Районимизда транспорт қатновини яхши йўлга қўйиш учун автобус парки очилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Аммо бу ҳақда СССР халқ депутати Парда Худоёровга ва бошқа бир қанча ташкилотларга мурожаат қилдик. Ҳурматли депутатимиз масалани жумҳурият Автомобиль транспорти вазирлиги орқали ҳал қилишга ваъда берди. Аммо ҳалигача ҳал бўлмай келаётир.

Вилоят автотрести раҳбарларининг айтишига қараганда, районимизда 1995 йилдагина автобус парки очилармиш. Биз рўзнома муҳарририятидан халқнинг турмуши учун ниҳоятда зарур бўлган муаммонинг ижобий ҳал этилишига ёрдам беришларини илтимос қиламиз. Район меҳнаткашлари номидан:

Қ. Жумаев, П. Амирқулов, А. Фотиҳов, Ч. Султонов, Ф. Ғуломов, А. Шомуродов ва бошқалар».

Ушбу хат жумҳурият Автомобиль транспорти вазирлигига юборилган эди. У ердан қуйидаги мазмунда жавоб олинди:

— Автомобиль транспорти вазирлиги «Сурхандарьятранс» бирлашмаси билан биргаликда «Узавтотранстехника» бирлашмаси ходимлари Гагарин поселкасида автобус-такси корхонасини очишнинг техник-иқтисодий жиҳатдан самарадорлигини ўрганиб чиқди. 1995 йилгача шундай корхона очиш мумкинлиги ҳақида хулосага келинди.

Шу йил февраль ойида вилоят ижроия қўмитасининг буйруғига кўра, район ижроия қўмитаси билан биргаликда Гагарин районида транспорт ишини яхшилаш бўйича тадбирлар тузилди ва шу асосда ишлар олиб борилмоқда. Район ҳудудида «Комсомолобод — Янгиобод» маршрути очилган эди. Лекин ҳозир бу йўлда қурилиш ишлари давом этаётганлиги сабабли транспорт қатнови вақтинчалик тўхтатилган.

Комсомолобод поселкасида автокасса қуриш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр. Бироқ бирлашманинг молиявий имконияти ночорлиги сабабли қурилиш бошланмаган. Бирлашма юқоридаги тадбирларнинг бажарилишини район ижроия қўмитаси раҳбарлари билан биргаликда кўриб чиқди. Ҳозирга қадар район ижроия қўмитаси Бўрдор поселкасидаги темир йўл ўтадиган жойда огоҳлантирувчи белги ва бошқа зарур жиҳозлар ўрнатишни ҳал қилмаганлиги сабабли «Термиз — Қоракамар» ва «Шеробод—Пограничник» автобус маршрутлари очилгани йўқ. Район ҳудудидан тушаётган асосий шикоятлар шу маршрутларнинг очилмаганлиги хусусидадир.

Текшириш натижасида кўпчилик маршрутларда автобусларнинг етарли миқдорда қатнамаётганлиги аниқланди. Бу масала автокорхоналарда муҳокама қилиниб, тегишли тадбирлар белгиланди. Бу камчиликларнинг келиб чиқишига сабаб 1988 йилдан бери режалаштирилган миқдорда автобуслар олинмаётир, керакли эҳтиёт қисмлар йўқ ва ёқилғи танқислиги юз бермоқда. Ҳозирги пайтда Гагарин райони автобус маршрутларидаги ишлар бирлашманинг тегишли бўлими томонидан назоратга олинган.

МУҲАРРИРИЯТДАН!

Биз гагаринликларнинг ўринли талабларини Автомобиль транспорти вазирлиги ўрганиб, унинг ижобий ҳал этилишига ёрдам . беради, деб ўйлаган эдик. Жавобдан маълум бўлишича, вазирлик турли баҳоналарни рўкач қилиш билан чекланган. Амалда эса муаммо муаммолигича турибди. Гагарин поселкасида автобус паркини 1995 йилгача очиш мумкинлиги айтилса-да, унинг сабаблари аниқ исбот-далил билан изоҳлаб берилмаган. Шунингдек, жавобдан шу йил февраль ойида Гагарин райони ҳудудида «Комсомолобод-Янгиобод» маршрути очилган йўлда ремонт ишлари бораётгани учун транспорт қатнови тўхтатиб қўйилгани маълум қилинган, ремонт ишлари қачон тугалланиб, йўловчиларнинг узоғи қачон яқин бўлади — бу ҳақда гап йўқ.

Бундан ташқари жавобда темир йўл ўтадиган жойда огоҳлантирувчи белги ва зарур жиҳозлар ўрнатилмаганлиги туфайли зарур маршрутлар очилмаганлиги таъкидланса-да, масалани ҳал этиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилгани ёки кўрилаётгани айтилмаган.

Хуллас, жавоб юзаки, Гагарин райони аҳолиси автомобиль транспорти хизматидан яқин орада баҳраманд бўладими ёки бўлмайдими? Вазирликдаги мутасадди ўртоқлардан шу ҳақда расмий жавоб кутамиз.

Муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар бўлими.

ХУШХАБАРЛАР

Термиз районида якка тартибда уй қураётган қишлоқ аҳолисини сифатли ғишт билан таъминлашдек ўткир муаммо ҳал қилинди. Маиший хизмат кўрсатиш комбинати ҳузурида ана шу тақчил қурилиш материали ишлаб чиқарадиган цех очилди. Ҳар йили бу ерда юз минг сўмлик маҳсулот чиқарилади.

* * *

«Наманганводстрой» трастининг 3-механизациялашган кўчма колоннаси ишчилари Уйчи районидаги Калинин номли совхозда шинам уйлардан иборат бутун бир кўчани фойдаланишга топширдилар. Ҳар бир уйнинг хўжалик бинолари ҳам бор. 19 та уй газ ва сув билан, иситиш тизими билан таъминланган. Бу уйларга асосан ёш оилалар кўчиб киришди.

Темир йўл вокзали яқинида хўжалик усули асосида ўн икки хонадонли шинам уй қуриб битказилди. Ходимларни уй-жой билан таъминлашнинг ана шу самарали усулидан Ўрта Осиё темир йўлининг Фарғона бўлимида кенг фойдаланишмоқда. Яқинда Андижон хўжалик усули билан 24 хонадонли уй қуриб битказилди, Учқўрғонда ҳам худди шундай уй фойдаланишга топшириш учун тайёрланмоқда. [ЎзТАГ].

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ АЙРИМ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССР Президентининг СССРда фавқулодда ҳолат давлат комитетининг ҳужжатлари Ўзбекистон ССР ҳудудида ҳақиқий эмас, деб ҳисоблаш тўғрисидаги 1991 йил 21 августдаги Фармони;

Ўзбекистон ССР Президентининг айрим ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари Ўзбекистон ССРнинг ҳуқуқий тобелигига ўтиши, республика ҳудудида жойлашган СССР Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон ССР Президентига бўйсундирилиши, республика ҳудудида жойлашган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва ҳарбий қўшилмаларини партиядан ҳоли қилиш тўғрисидаги 991 йил 25 август Фармони;

Ўзбекистон ССР Президентининг Ўзбекистон ССР ҳудудида ўз фаолиятини амалга ошираётган ижодий уюшмалар, кўнгилли жамиятлар ва фондларни, уларнинг бўлинмалари ва корхоналарини партиядан ҳоли қилиш тўғрисидаги 1991 йил 27 август Фармони;

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг «Ўзбекистон ССР ҳудудида жойлашган Иттифоққа бўйсунувчи давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари Ўзбекистон ССРнинг ҳуқуқий тобелигига ўтиши тўғрисида»ги 1991 йил 22 июль қарори;

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг «1991 йилги Иттифоқ бюджети тўғрисида»ги СССР Қонуни 8-моддасининг амал қилишини Ўзбекистон ССР ҳудудида қисман тўхтатиб туриш ҳақида»ги 1991 йил 22 июль қарори тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон ССР Президенти 1991 йил 25 августда қабул қилган Фармоннинг партиядан ҳоли қилишга оид 5-банди Ўзбекистон Республикаси судлари ва ҳакамлик судларига ҳам дахл этиши белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 31 август.

Пойтахтимиздаги 230-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Наима Мақсудбекова мустақил иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Ёш мутахассис Ленин номли педагогика билим юртини муваффақиятли тамомлаб, мактаб жамоасида иш бошлаган кезлари уни устозлар қўллаб-қувватлади. Кўп ўтмай ғоят қунт билан изланиши туфайли ўқитувчилар жамоаси орасида ҳурмат-эътибор қозонди.

СУРАТДА: Наима Мақсудбекова мактаб бўсағасига илк бор қадам қўйган кичкинтойлар даврасида.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЁЗИЛДИНГИЗМИ?

БИР ЖАМОАДАН 300 МУШТАРИЙ

● Вилоят бўйича вақтли матбуот нашрларига обуна бўлишда Тошкент райони пешқадамлик қилмоқда. Меҳнаткашлар айниқса республика, вилоят ва район рўзномаларига кўпроқ ёзилмоқдалар.

Бу борада район алоқа тармоғи ва «Союзпечать» идораси ходимларининг ўзи ўрнак бўлишаётир. Масалан, алоқа тармоғи бошлиғи Юрий Сантов жами 228 сўмлик, бош ҳисобчи Фотима Бойматова 187 сўмлик нашрларга обуна бўлишди. Агентлик ходимларидан Мастура Умарова, Ҳасан Маҳкамов, Зокир Азимовларнинг ҳар бири келаси йил рўзномаларига 126—250 сўмдан пул ўтказишди.

Муштарийлар мушкулини осон қилишда жамоатчи почтачи Володя Сажаев жонбозлик кўрсатаётир. У ўтган йилги мавсумда хонадонма-хонадон юриб, жами 5 минг 338 сўм пулни обуна учун расмийлаштирган, эвазига юз сўм пул билан тақдирланган эди. В. Сажаев бу йил юқоридаги кўрсаткични янада оширмоқчи.

Райондаги «Ўзбекистон 50 йиллиги» жамоа хўжалигида ҳам жамоатчи ташкилотчилар ғайрат кўрсатганлиги маълумотлардан яққол кўриниб турибди. Хўжалик бошқаруви раиси муовини Абдулла Соатов бошлиқ Вазира Довсаидова, Бахтиёр Исмоилов синғари жамоатчилар ўз зиммаларидаги мажбуриятларини адо этдилар. Жамоа аҳли районда биринчи бўлиб 25 минг 559 сўмлик вақтли нашрларга обуна бўлдилар. 300 нафардан зиёд киши «Ўзбекистон овози»га ёзилдилар.

Рўзномаларга обуна бўлиш бошқа хўжаликларда ҳам қизғин давом этмоқда. Жумладан, Собир Раҳимов номли, Охунбобоев номли жамоа хўжаликлари меҳнат аҳли ҳозирча вақтли нашрларга ўтказган пул 17 минг 515 сўм ва 10 минг 503 сўмни ташкил этди. «Ўзбекистон овози»га обуна бўлганлар сони — иккала хўжаликни қўшиб ҳисоблаганда 400 дан зиёдни ташкил этади. Обуна давом этмоқда.

А. МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АХБОРОТ

● ЖИЗЗАХ

УЧҚУЛОЧДА СУВСАР ХЎЖАЛИГИ

●Шу йилнинг май ойида Учқулоч маъдан қидирув жамоаси ёрдамчи хўжалигига 57 та сувсар келтирилганда, кўпчилик бу ерлар учун батамом нотаниш сув ҳайвонининг ҳатто яшаб кетишига шубҳа қилишганди.

Аммо ёрдамчи хўжалик масъуллари В. Макаревский ҳамда Ш. Инатов жониворлар учун барча шарт-шароитни яратишиб, уларни арпа, омухта ем, қамиш, лавлаги билан боқа бошладилар. Муайян фурсат ўтиб, она сувсарлар болалаб, ҳозир уларнинг сони 100 бошдан ошди. Маъдан қидирувчилар келгусида қимматбаҳо мўйнали ҳайвонлар сонини мингдан ошириш ва терига дастлабки ишлов беришни йўлга қўйишмоқчи. Ана шунда тадбиркорлар ёрдамчи соҳадан ҳам катта даромад ола бошлайдилар.

ТАЛАБАЛАРНИНГ 12,5 МИНГ СЎМ ПУЛИ

● Бахмал районидаги «Гулбаҳор» давлат хўжалигида меҳнат қилган талабалар қисқа фурсатда ана шунча маблағга эга бўлдилар.

Ғаллаорол тиббиёт билим юртининг бир гуруҳ талабалари ёзги таътил вақтида ҳосилни йиғиштириб олишда қўшни район боғбонларига кўмак бериш учун шартнома тузгандилар. Ўзаро ҳамкорликдан ҳар икки томон ҳам катта манфаат кўрди. «Гулбаҳор» давлат хўжалиги талабаларга жами 12,5 минг сўм маблағ тўлайдиган бўлди. Шу сўмнинг 1500 сўми билим юрти ҳисобига ўтказилди, қолгани талабаларга тарқатилди.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Ҳаракатда баракат

ИЗЧИЛЛИК

ЕКИ ҚАПЧИҒАЙ ТЕМИР-БЕТОН БУЮМЛАРИ ЗАВОДИДА МЕҲНАТКАШЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ХИМОЯ ҚИЛИШДАГИ ДАСТЛАБКИ УМИДЛИ ҚАДАМЛАР

Корхоналараро алоқалар идаси чиққан ҳозирги вазиятда Қапчиғай темир-бетон буюмлари заводи меҳнат жамоаси четдан ёрдам келишини кутиб ўтиргани йўқ. Корхона ишчилари ва мутахассислари маҳсулот тайёрлаш ҳажмини камайтирмаган ҳолда, шерикларни зарур бинокорлик буюмлари билан ўз вақтида таъмин этиш чора-тадбирларини кўрмоқдалар.

Бу эса меҳнат жамоасининг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Корхона ўз зиммасидаги топшириқларни муттасил бажариб келяпти. Улар қишлоқ бинокорларига зарур бўлиб турган темирбетон буюмларни пешма-пеш етказиб бермоқдалар. Шу туфайли ён-атрофдаги қишлоқларда «135» туркумидаги уйлар нисбатан илдамроқ қад ростламоқда.

Бундан ташқари, корхона азаматларининг меҳнати билан тайёрланган маҳсулотлар деҳқончиликда ҳам қўл келяпти. Корхона ишлаб чиқарган бетон буюмлари суғориш тармоқларига ўрнатилиб, каналлардан сув оқиши равонлашяпти, коллекторларнинг об-ҳаёт ўтказиш тезлиги ортиб бормоқда. Корхонада халқ истеъмоли буюмлари тайёрлаб чиқариш ҳажмлари ҳам кўпайиб бораётир.

Илғорлар ҳақида гап кетганда М. Абдураҳмонов раҳбарлик қилаётган қолипловчилар цехи жамоасининг меҳнат ғайрати ҳақида алоҳида тўхтаб ўтиш керак. М. Турдиматов, И. Халилов, У. Муллаев ва А. Чўлиев каби сергайрат ишчилар смена топшириқларини бир ярим — икки ҳиссадан ошириб бажаришга муваффақ бўлмоқдалар. Ана шу коллектив меҳнатининг ўзига хос жиҳати шундаки, бу ерда тайёрлаб чиқарилааётган арматуралар пишиқ-пухта ва чидамли. А. Баҳодиров раҳбарлик қилаётган бригаданинг С. Карвонов ва К. Тожиев каби ишчилари тайёрлаётган пойдевор блоклари ҳамда оддий плиталар ҳақида ҳам худди шу фикрни таъкидлаш мумкин.

Шундай илғорлар сафи кенгайиб бораётганлиги натижасида корхонанинг техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари муттасил яхшиланмоқда. Моддий-техника таъминоти қийин кечаётган бугунги кунларда илғорларнинг юқори суръатлар билан меҳнат қилиши мижозларда катта қониқиш ҳосил қиляпти. Бунёдкорлик меҳнати эса бозор иқтисодиёти шароитида юзага келаётган иқтисодий қийинчиликларни қадам-бақадам бартараф этишнинг ишончли имкониятларини яратиб бормоқда.

Имкониятлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш, янги резервларни изчиллик билан ҳаракатга келтириш корхона меҳнат аҳлининг турмуш-тирикчилигини яхшилаб боришга муайян даражада таъсир кўрсатмоқда. Бу ерда ишчиларнинг маоши 400-500 сўмга кўтарилди. 60 сўмга яна 50 сўм қўшиб берилмоқда. Тушлик бепул. Бу — ойликка яна ўртача 30 сўмдан кўпроқ қўшиляпти, демак.

Фарғона район давлат ва жамоа хўжаликлари билан ўзаро алоқалар кучайтирилиши ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш имкониятларини тағин ҳам кенгайтирмоқда. Завод ишчилари деҳқон хўжаликлари билан тузган ўзаро алоқа талабларига мувофиқ, арзон нархларда турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари — мева-сабзавотлар олмоқдалар. Ўз навбатида корхона ишчилари уларга шахсий уй-жойлар қурилишида мадад бермоқдалар. Завод давлат ва жамоа хўжаликлари аъзоларига уй қурилишида асқотадиган темир бетон- буюмларни вақтида етказиб беряпти. Бу эса ишчи ва деҳқон ҳамкорлигининг амалий ифодасидир.

Корхона маъмурияти, касаба уюшмаси деҳқон хўжаликлари билан келишган ҳолда ёрдамчи хўжаликлар ташкил этмоқдалар. Ҳозирнинг ўзидаёқ 2 гектар майдон ажратилиб, мевали боғлар барпо қилинди. Иссиқхона-теплица қурилди. Иссиқхонада чиннигул етиштирилиб, уни сотишдан 3 минг сўмга яқин самара кўрилди. Ҳозир корхона чорвачилик комплекси ташкил қилиш тараддудида.

Ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш уларнинг меҳнат ғайратини ошириб бораётганига оид қатор мисоллар келтириш мумкин. Биз улардан фақат бири ҳақида қисқача тўхтаб ўтмоқчимиз. Техника тараққиёти корхоналарда кейинги вақтда бир мунча сусайгани сир эмас. Шунга қарамасдан, бу корхонада рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобига 5 минг сўм иқтисодий самара олинди. Йил охиригача бундай самара ҳажми 12 минг сўмга етади, деб тахмин қилинмоқда. Бунга корхона ишчи ва мутахассисларининг техника ижодкорлиги масалалари билан изчил шуғулланаётганлиги кафолат беради. С. Абдураҳмонов, С. Эрматов, К. Эркабоев каби техника ижодкорлари корхона ишлаб чиқаришини механизациялаш, технологияни такомиллаштириш ишига ўз фаолиятлари билан самарали ҳисса қўшмоқдалар.

Бу ерда ҳамма масалалар ҳал қилиниб бўлди, дейишга ҳали эрта. Корхона карьер хўжалигини таъмирлаш ишларини тезроқ тугаллаш лозим. Келгуси йили унинг қуввати 150 куб метр маҳсулот олиш даражасига етказилиши керак. Ана шундагина буюртмачиларнинг эҳтиёжларини тўла қондириш мумкин бўлади.

Яна бир масала. Корхона тайёрлаб чиқараётган маҳсулотлар Олтиариқ темир йўл станциясига ташиб борилади. Бўш вагонлар бўлмаганлиги оқибатида уларни яна корхонага қайтариб олиб келишга мажбур бўлинмоқда. Афсуски, бундай ҳоллар тез-тез содир бўлиб турибди. Шу тариқа заводнинг ҳар йили ўнлаб минг сўм маблағи совурилмоқда. Бундай аҳволдан чиқишнинг биргина йўли бор. У ҳам бўлса — станцияда заводнинг ўз юк майдонини барпо қилишдан иборат. Шундагина заводдан олиб борилган маҳсулот имкон бўлгунга қадар юк майдонида сақлаб турилиши мумкин бўлади. Ушбу масалани ҳал этиш бугунги шароитда долзарб даражага кўтарилдики, корхона бирор сўмини ҳам ноўрин сарфламаслиги керак.

Бунинг учун юзага келган муаммоларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш эмас, изчил иш тутиш йўлидан дадил бориш даркор.

В. ТИРИН,
муҳандис. Фарғона вилояти.

Корхона ҳисобидан ўқийдилар

Яқинда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олий билимгоҳининг Наманган филиали педагоглар жамоаси билан Ўзбекистон 50 йиллиги номли шойи ғазламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Унга кўра, институт корхонага 25 нафар олий маълумотли ёш кадрлар тайёрлаб беришни ўз зиммасига олди. Корхона бунинг учун институт ҳисобига 175 минг сўм ўтказадиган бўлди.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда талаба бўлиш истагини билдириб 56 киши институтга ариза берди. Тўқимачилик техникумини имтиёзли диплом билан тугатган ишчилардан М. Ҳожиев, М. Султонов ва Т. Йўлдошевлар синовлардан муваффақиятли ўтиб, биринчилар қаторида олийгоҳга қабул қилиндилар. Улар «Йигирув ишлаб чиқариши технологияси» куллиётини битирган муҳандис технолог бўлиб яна ўз корхоналарига қайтишади.

Т. СУЛАЙМОНОВ,
Наманган вилояти.

• «ОЙНАИ ЖАҲОН» ҚАРШИСИДА

ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

Республикамиз Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукумат делегациясининг Ҳиндистон республикасига дўстона сафарига бағишланган уч қисмдан иборат «Қутлуғ қадам» деб номланган янги видеофильм ойнаи жаҳон мухлисларига ҳавола этилди. Қўшнимиз — буюк ҳинд халқи билан дўстлик ва ҳамкорликни тараннум этувчи мазкур фильм (сценарий муаллифлари И. Абдухолиқов, Ф. Тешабоев, А. Абдураззоқов, режиссёр А. Назиров, операторлар Т. Мирзараҳимов, М. Муслимов) телетомошабинларда чуқур таассурот қолдирди.

Республикамиз вакиллари Ҳиндистон сафарини ўзбек одатига кўра шу муқаддас заминда яшаб, халқ ҳаётида, унинг тарихида чуқур из қолдирган буюк зотлар ҳурматини бажо этишдан бошладилар.

Олий даражали Ўзбекистон — Ҳиндистон учрашувлари вице-президент Ш. Д. Шарма қароргоҳида бошланди. Дўстона ва самимий суҳбат чоғида ўзбек ва ҳинд халқлари алоқаларининг қадим замонлардан давом этиб келаётгани иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳар иккала мамлакат манфаатига мос келиши алоҳида уқтириб ўтилди. Деҳлидаги Ҳайдаробод саройида И. А. Каримов билан Ҳиндистон Бош вазири Наросимха Рао ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Бу учрашув расмий ташриф давомидаги энг муҳим ва самарали воқеалардан бири бўлди. Президент ва Бош вазир якка қолиб иккала мамлакат манфаатига дахлдор муҳим масалалар хусусида ўзаро келишиб олдилар. Шундан кейин тантанали вазиятда шартномаларни имзолашга киришилди. Ҳужжатлар тўрт тилда — ўзбек, ҳинд, рус ва инглиз тилларида тайёрланди. Халқаро миқёсдаги муҳим ҳужжат биринчи марта ўзбек тилида имзоланди.

Олий мартабали меҳмоннинг ҳурмати учун И. А. Каримов қароргоҳига Ҳиндистон республикаси Ташқи ишлар вазири М. С. Соланки ташриф буюрди. У Ўзбекистон меҳнатқашларининг шу кунларда амалга ошираётган ишлари билан қизиқди, имзоланажак Иттифоқ шартномаси Ўзбекистоннинг халқаро алоқаларида янги саҳифалар очади, деб ишонч билдирди. Шу куни Ўзбекистон Президенти Деҳлидаги энг гўзал ва ўзига хос миллий услубда қурилган обидалардан бири — Ҳиндистон Президенти саройига ташриф буюрди. Бу ерда Ҳиндистоннинг давлат бошлиғи Р. Венкатараман билан учрашди. «Сизнинг Ҳиндистонга қилаётган биринчи сафарингиз Совет Иттифоқида амалга оширилаётган янгича сиёсатнинг самарали меваси-дир», деди Венкатараман.

И. А. Каримов ўзбек удумига кўра Ҳиндистон раҳбарларининг елкасига тўн ташлаб, ўзбек чеварлари жило берган дўппилар кийгазди, Ҳиндистон Бош вазири билан учрашув сўнггида эса Ўзбекистон ҳукумати номидан Ҳиндистон ҳукуматига таниқли мусаввир Баҳодир Жалоловнинг «Мангу ва навқирон Ҳиндистон» асарини совға қилиб топширди. Бу улкан асарни илк бора томоша қилган кўпгина ҳиндистонликлар мўйқалам соҳибининг истеъдодига таҳсинлар ўқидилар.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари сафарнинг иккинчи куни эрталаб Деҳлидаги машҳур обида — «Қизил қалъа»ни зиёрат қилдилар. У Бобурийлар салтанати даврида тикланган. Қалъа қурилишида Самарқанд ва Бухоро меъморлари қатнашганлар. Меҳмонлар шунингдек Деҳлидаги «Қутб минор», «Темир устун» тарихий обидаларини ҳам бориб кўрдилар.

Ўзбекистон Президенти ҳинд ишбилармонлари билан ҳам учрашди. Уларга жумҳуриятимизнинг моддий бойликлари, иқтисодий жиҳатдан ҳамкорлик қилиш учун кенг имкониятлар яратиши ҳақида сўзлаб берди. Ҳинд — Совет дўстлик жамияти фаоллари билан учрашув ҳақидаги лавҳа, Р. Чандра, П. Григореус каби тинчлик учун кураш арбобларининг дўстлик ва ҳамкорлик ҳақидаги дил сўзлари томошабинларда ёрқин таассурот қолдиради. Учрашувнинг расмий қисми тугагач, ҳамюртларимиз Бобурийлар салтанатининг биринчи пойтахти Аграда ҳам бўлдилар. Ҳинд халқининг ифтихори, ўйғунлик, мутаносиблик, муҳаббат, руҳий поклик рамзи бўлмиш Тожмаҳални зиёрат қилдилар. Бир неча асрдан буён дунёни ҳайратга солиб турган санъат кошонасининг қурилишида ўзбек усталари ва меъморларининг муносиб улуши бўлган. Делегация бошлиғи И. А. Каримов, унга ҳамроҳлик қилган республикамизнинг давлат ва жамоат арбобларидан олинган қисқа суҳбатлар сафарнинг моҳияти, унинг жумҳуриятимиз учун келтирадиган нафларини янада ёрқинроқ очиб берди.

Янги видеофильм ўзбекистонлик томошабинлар билан бир қаторда юртимизда яшаб хизмат қилаётган, таълим олаётган ҳинд дўстларимизга ҳам манзур бўлди. Уларнинг фикрини ифодалаб биз билан учрашувда Ҳиндистон республикасининг Тошкентдаги Бош консули жаноб Ашок Мукержи шундай деди:

— Фурсатдан фойдаланиб ўзбек халқини мустақиллик билан чин дилдан табриклайман. Мустақил Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда овози ва мавқеи кундан-кунга кучайиб, унинг турли давлатлар билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалари мустаҳкамланиб боришига ишончим комил. Буюк Бобурийлар салтанати шарқ-ғарбга доврўғ таратган эди. Ўрта Осиё халқлари дунёда ўзининг муносиб ўрнини топади. Ўзбекистон ва Ҳиндистон раҳбарлари ўртасидаги биринчи расмий учрашувларда қатнашганимдан фахрланаман. Видеофильм бу тарихий учрашувни бутун тафсилотлари билан томошабинларга етказа олди. Ишончим комилки, Ҳиндистон ва Ўзбекистон томонлари Деҳлида имзоланган шартномаларнинг ҳар бир банди сўзсиз бажарилишига кафолат беради.

«Қутлуғ қадам» видеофильми республика ойнаи жаҳонининг бу йилги кўрсатувлари мажмуасининг кўркли ва зийнати бўлди.

А. КАРИМОВ,
ТошДУ телекўрсатув ва радиоэшиттириш кафедраси мудири.

СУРАТДА: Ўзбекистон ҳукумат делегацияси Тожмаҳалда (видеофильмдан кадр).

• ИҚТИСОДИЁТ ВА ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИ

МАНЗИЛ ЯҚИН БЎЛСИН ДЕБ...

ЕКИ БУХОРОЛИК ЙЎЛСОЗЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТДАН КАТТА САМАРА БЕРАЁТГАН ТАЖРИБАСИ ҲАҚИДА

Бухоро вилояти 42 минг квадрат километр майдонни эгаллайди. Унинг ҳудудидан жами 28 минг 692 километр узунликдаги йўл, шу жумладан, 796 километр умумдавлат, 3920 километр жумҳурият, 1248 километр вилоят ва 1357 километр маҳаллий аҳамиятга молик йўллар ўтади. Яқинда жумҳуриятимиз барча йўл қурилиши ташкилотлари вакиллари Ўзбекистон Автомобиль йўллари вазирлиги ходимлари бошчилигида Бухорога келишди. Сафардан мақсад вилоят йўл хўжалиги ташкилотлари ишини мувофиқлаштириш юзасидан вужудга келган тажрибани ўрганиш эди. Хўш, бу тажриба нималардан иборат! Унинг дастлабки натижалари нимадан далолат беряпти!

Тажриба тўғрисида ҳикоя қилишдан олдин бундан бир йил муқаддам йўл қурилиши соҳасида вужудга келган аҳвол тўғрисида сўзлашга тўғри келади. Ўшанда вилоятда бешта йирик йўл қурилиши бошқармаси бўлиб, уларнинг бошқарув идораларида 300 дан зиёд киши турли мансаб лавозимларини эгаллаб келмоқда эди. Мазкур бошқармаларнинг жойлардаги бўлинмалари эса вилоят марказидан фармойиш олишарди. Район бўғинидаги раҳбарлар йўл қурилиши ёки таъмирлаш бўйича уларнинг қайси бирига мурожаат этишга ҳайрон эдилар.

Жумладан, Конимех райони бўйича ўтадиган деярли 2 минг километрлик турли даражадаги йўллар оз эмас, кўп эмас — ўнта ташкилот қарамоғида эди. Маъмурий буйруқбозлик тизими вужудга келтирган бундай раҳбарлик услуби қайта қуриш шароитида иш бермай қолди. Энди: уни қандай қилиб такомиллаштириб бўлади? — деган масала кўндаланг бўлиб қолганди.

ТАШАББУСНИНГ ТУҒИЛИШИ

Вилоят магистрал йўлларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Муродилло Абдуллаев кўп вақтдан буён шу тўғрида бош қотирмоқда эди. Бу соҳада айрим хомаки режалари ҳам йўқ эмасди. Кунларнинг бирида Бухорога ташриф буюрган Ўзбекистон Автомобиль йўллари вазири Р. Юнусовга дардини очди.

— Ўйланг, хорижий тажрибани ўрганинг, — дея унга далда берди Рустам Расулевич. — Фойдали таклифлар бўлса, албатта, қўллаб-қувватлаймиз!

Бундай илтифот унга қанот бағишлади. Муродилло йўл хўжалиги ишини ташкил қилиш бўйича хориж тажрибасини обдон ўрганди, унга ижодий ёндашиб, вилоят бошқарув тизимини ишлаб чиқди. Уни хомаки тарзда қоғозга туширириб, вилоят ижроқўми раисининг муовини А. Раҳматов ҳузурига кирди.

Абдукарим Мухторович — кўп йиллардан буён йўлсозлар фаолиятига мураббийлик қилиб, бу соҳада анча кўзи пишиб қолган киши. У М. Абдуллаев таклифларининг маънавий ва иқтисодий афзал ликларини дарҳол илғаб олди. Муродилло бешта бошқарма аппаратини тарқатиб, жойлардаги йўл қурилиши ва ундан фойдаланиш ташкилотларига хўжалик мустақиллиги бериш, вилоятда эса бу ишларни мувофиқлаштирувчи жамоатчилик асосидаги кенгаш таъсис этишни таклиф қилаётган эди. Кенгаш ҳузурида эса илмий-тадқиқот илмгоҳи, моддий-техника таъминоти бошқармаси тузилиши кўзда тутилган. Сирасини айтганда, бу Америка Қўшма Штатларида вилоят даражасидаги бошқарув тизимининг маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб тузилган ва такомиллаштирилган схемаси эди. Америкаликлар эса ортиқча харажатни ёқтирмасликлари ҳаммага маълум.

— Режангизни пухта ўйлаб чиқинг, — деди қошларини чимириб Абдукарим Мухторович. — Умумий ишга фойда қиламан, деб яна мансаб курсингиздан маҳрум бўлиб қолманг!

Ярми ҳазил, ярми чин оҳангида айтилган бу сўзларнинг мағзида чуқур маъно бор эди. Ахир у таклиф қилаётган схема бешта бошқарма бошлиғини, шу жумладан, унинг ўзини ҳам мансабсиз қолдирмоқда эди-да.

— Ишлаб чиқаришда фойдали иш билан шуғулланаман, — тап тортмай жавоб берди у.

Муродилло учун бунинг ҳеч қандай хавотирли томони йўқ эди. Унинг ёшлигидан суяги йўл қурилишида қотди. Бу соҳани миридан сиригача яхши билади.

Шундай қилиб, масала вилоят ижроқўмининг навбатдаги йиғилишида муҳокама қилингач, унинг таклифи қабул қилинди. Жумҳурият вазирлиги ҳам бу тўғрида тегишли қарор қабул қилди. Бошқарув ислоҳотини тезда ҳаётга татбиқ этиш масъулияти эса М. Абдуллаевнинг зиммасига юклатилди.

Ташкилий ишнинг энг масъулиятли даври бошланди. Биринчи навбатда кўпдан-кўп кадрлар масаласини ҳал қилишга тўғри келди. Собиқ бошқармалар аппаратидаги бирон киши бекор қолмади. Фақат энди улар буйруқбозлик билан эмас, амалий иш билан шуғуллана бошлашди. Кимдир янгидан ташкил этилган лойиҳа-қидирув илмгоҳида, яна биров моддий-техника, таъминоти соҳасида фаолият кўрсата бошлади. Кўпчилик ходимлар барча районларда ташкил этилаётган йўл тармоқларидан фойдаланиш бошқармаларига ишга ўтдилар.

Ҳаммадан кўра районлардаги раҳбарлар бундай ислоҳотдан хурсанд бўлишди. Чунки энди райондаги йўл қурилиши ва ундан фойдаланиш ишига беш ёки ўн раҳбар эмас, атиги бир ходим жавоб берадиган бўлиб қолди. Дастлаб бундай бошқармаси бўлмаган сакиза районда, кейин яна учта районда шундай тўла мустақил бўлинмалар ташкил қилинди.

Муродиллога бу катта ишни амалга оширишда вилоят партия ва совет ташкилотларидан тортиб, жумҳурият вазирлигигача ҳамма ёрдам берди.

Ёзда эса вилоят янги йўлсозлик ташкилотларининг вакиллари Бухорода тўпланиб, мувофиқлаштириш кенгашининг уставини қабул қилишди. Кенгаш таркибига маҳаллий бошқармаларнинг раҳбарлари, етук мутахассислар, халқ депутатлари, партия, совет ходимлари киришди. Табиийки, кенгаш раислигига бу ишнинг бошида турган Муродилло Абдуллаев сайланди.

ЯНГИЛИКНИНГ САМАРАЛАРИ

Мана ўшандан буён саккиз ой ўтди. Бошқарув ислоҳотининг дастлабки самаралари билан қизиқиб, кенгаш раисининг ҳузурига кирдик. Бир вақтлар у бошлиқ бошқарма эгаллаб турган уч қаватлик катта бинонинг биринчи қаватини йўл назорати инспекцияси ва диспетчерлик хизмати, учинчи қаватини моддий-техника таъминоти бошқармаси ишғол қилипти. Кенгаш учун эса энди бир неча хона кифоя. Ахир бу жамоатчилик асосидаги кенгаш, унинг қарорлари эса тавсия ҳуқуқига эга. Муродилло Абдуллаев кенгаш раиси бўлса, Асқад Искандаров кенгаш котиби, Қаландар Комилов кадрлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис. Олдинги уч юз кишилик бошқарувчилар қаердаю, уч киши қаерда! Биз ҳали бунинг моддий жиҳатдан афзалликларига батафсил тўхталамиз.

— Энг муҳими, — дейди М. Абдуллаев, — жойлардаги йўлсозларга тўла эркинлик берилди. Бутун молиявий маблағлар, моддий ресурслар уларнинг ўз ихтиёрида. Биз эса асосан, истиқбол режалари, муаммоларни ҳал қилиш билан шуғулланамиз...

Муаммолар эса кўп. Мамлакатдаги умумий пароканда-лик йўл хўжалигига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Илгари бу ишнинг молиявий таъминоти билан ҳеч кимнинг боши оғримасди. Умумдавлат ва жумҳурият аҳамиятига молик йўлларни яхши сақлаш учун каттагина маблағ марказдан тўппадан тўғри йўлсозлар ҳисобига келиб тушарди. Жумладан, ўтган йили амалга оширилган 54 миллион сўмлик иш ҳажмининг 38 миллион сўмлиги шундай маблағлар эвазига бўлганди.

Сиёсий ва иқтисодий мустақиллик шароитида йўлсозлар энди бу анча баракали маблағни ўзларидан қидириб топишлари керак эди. Жумҳурият ҳукуматининг қарори билан меҳнат жамоалари даромадидан ундириладиган йўл солиғи ҳажмини 0.4 фоиздан 1 фоизгача оширишга тўғри келди. Бироқ йўл харажатлари учун бу ҳам камлик қилмоқда. Ҳозиргача шу тарзда 37 миллион сўмлик маблағ тўпланяпти, холос.

Ажабланарли томони шундаки, йўл харажатларидан бўйин товланишга уринаётганлар кўп. Уларнинг кўпчилиги Иттифоқ аҳамиятига молик корхоналардир. Чунончи, Навоий кон-маъдан комбинати сингари қудратли ташкилот бу мақсадларга атиги 3 миллион сўм ажратяпти, холос. Ваҳолонки, корхона ўтган йилнинг ўзида бир чақа ҳам тўламасдан вилоят ҳисобидан ўз қарамоғидаги йўлларни таъмирлаш учун 5 миллион сўмни харж қилди. Комбинатнинг иқтисодий фаолияти ҳамон махфий сақланаётгани учун кенгаш ходимлари бу корхона амалда қанча маблағ ўтказиши лозимлигини аниқлаш имкониятига эга эмаслар.

Шундай қабилда иш тутаётган иккинчи корхона Ленинобод кон-маъдан комбинатидир. Унинг 5-кон бошқармаси Ғиждувон районининг «Кўкча» давлат хўжалиги ҳудудидан ҳам катта майдонни эгаллаб турипти. Кон жамоаси деярли 250 километр узунликдаги турли йўллардан фойдаланяпти. Бунинг учун тегишли тўловлар масаласига келганда эса комбинат раҳбарлари бундан чорак аср муқаддам СССР вазирлиги муассасалари учун берилган имтиёзларни рўкач қилиб, йўлсозлар ҳисобига атиги 45 минг сўм ўтказишди. Ваҳолонки, бу меҳнат жамоаси фойдаланадиган йўлларнинг ўзини таъмирлаш учун ҳар йили ўрта ҳисобда 3 миллион сўмга яқин маблағ керак.

Йўлсозлар маблағ тақчиллиги жабрини чекаётган бир пайтда вилоятдаги шахсий ва жамоат автомобиллари эгаларидан тўпланаётган 18 миллион сўм маблағ ҳам маҳаллий бюджет орқали бошқа мақсадларга сарфланаётгани кишини ҳайрон қолдиради. Автомобиль ҳайдовчилари айрим йўлларнинг ўнқир-чўнқирлигига ҳам мана шу сабаб эканлигидан бехабарлар, албатта.

ЙЎЛ ҚАДРИГА ЕТАЁТГАНЛАР

Айни маҳалда кенгаш ходимлари тақчилликка қайсидир даражада чек қўйиш мақсадида қарздор ташкилотлар рўйхатини тузишмоқда. Бу рўйхатдан жамоа ва давлат хўжаликлари ҳам, завод ва фабрикалар, ташкилот ва муассасалар ҳам ўрин олган. Уларнинг раҳбарлари, афтидан, оёқ остиларидаги равон йўлларнинг қадрига етишмаяпти.

Бу қадр-қимматни кенгаш ҳузуридаги янгидан ташкил этилган «Бухарадорниипроект» илмгоҳи директори, техника фанлари номзоди Тошпўлат Қаландаров, айниқса, яхши ҳис қилади. Илмгоҳ ўз фаолиятини бошлаганидан кейин давлат пулларини ўмараётган кўпгина жумҳурият лойиҳалаш ташкилотларининг нони яримта бўлди. Масалан, «Узгипроавтодор» лойиҳалаш илмгоҳи Зарафшон трактининг Кармана шаҳри ичидан ўтадиган қисмини таъмирлаш қийматини осмонга кўтариб юборганди. Бухоролик лойиҳаловчилар эса район ташкилотларининг илтимосига кўра бу ишни қайта чамалаб чиқиб, унинг қийматини ўн беш баравар қисқартириш мумкин эканлигини асослаб беришди. Бундай мисолни мазкур илмгоҳнинг шу йўлнинг Қизилтепа шаҳри ичидан ўтадиган қисмини таъмирлаш бўйича тузган лойиҳаси мисолидан ҳам кўрсатиш мумкин. Шундай бўлишига қарамай, «Узгипроавтодор» Бухорода ҳамон ўз филиалини сақлаб турибди. Ваҳолонки, энди унга эҳтиёж қолмагани ҳаммага маълум.

Янги илмгоҳ эса ўз ишини энг замонавий технологиялар асосида ташкил қилмоқда. Улар яқинда «Диалог» ва «Тембо» Совет—Америка қўшма лойиҳалаш корхоналари билан ҳамкорликни йўлга қўйишди. Илмгоҳ ходимлари Москва, Минск, Полтавадаги ҳамкасблари билан тажрибаларини ўртоқлашишмоқда. Яқинда илмгоҳ ҳузурида компьютер-ҳисоблаш маркази иш бошлади. Бунинг шарофати билан лойиҳалаш муддатларини кескин қисқартириш, таннархини эса анча пасайтириш мумкин бўлди.

Айрим фактларга мурожаат этайлик. Бундан бир йил муқаддам вилоятдаги эски бошқармалар таркибида 148 кишидан иборат лойиҳаловчилар гуруҳлари меҳнат қилишарди. Энди бўлса бутун илмгоҳда, унинг жойлардаги филиаллари билан қўшиб ҳисоблаганда, атиги 87 киши ишлайди. Ҳолбуки, илмгоҳ нафақат лойиҳалаш, балки қурилиш технологиясини назорат қилиб, илмий-тадқиқотларни олиб боришни ҳам ўз зиммасига олган. Махсус транспортга ўрнатилган ускуналар комплекси йўл сифатини тўққиз ўлчов бўйича текширишга қодир. Тошкентдан келадиган тадқиқотчилар эса бу ишни уч ўлчов бўйича текшириб беришади, холос.

Илмгоҳ ҳузурида жиҳозланаётган лаборатория маҳаллий материаллар, шу жумладан, йирик саноат корхоналарида тўпланиб қолган ишлаб чиқариш чиқитлари ҳисобига йўл қурилишини амалга ошириш устида изланишларни бошлади. Бунинг келгусида берадиган самараси эса миллионлаб сўмни ташкил этади.

Дарвоқе, илмгоҳ жамоасининг мақтовга сазовор ишларидан яна бири унинг лойиҳалаш ҳужжатларида тўла равишда ўзбек тилига кўчганидир. Йўлсозлик ваколати тўла равишда жойларга берилган шароитда бу, айниқса, муҳимдир. Бундай ваколатлар берилганидан ҳаммадан кўра одамлар ютишяпти.

— Бошқарувнинг такомиллаштирилган шакли туфайли кўп йиллар мобайнида илк бор меҳнат жамоаси эркин фаолият кўрсатиш имконига эга бўлди, — дейди биз билан суҳбатда вилоятдаги энг йирик тармоқ корхонаси — Бухоро йўл магистралларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Аҳрор Ҳасанов. — Мана 8 ойдан буён ҳеч ким, ҳеч қайси масала бўйича ички ишларимизга аралашаётгани йўқ. Бу эса ҳар бир ходимнинг шахсий масъулиятини оширди, ишнинг пировард натижасидан манфаатдорлиги ни кучайтирди.

Бошқарма бошлиғининг бу сўзларини вилоятдаги ҳар бир йўлсоз такрорлаши мумкин. Мана шунинг учун ҳам Бухоро жумҳуриятимиз йўлсозларининг ўзига хос тажриба мактабига айланмоқда. Энди гап вилоятлардан бу тажрибани ўрганиш учун келаётган йўлсозлар уни тезроқ оммалаштиришларида қолган.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

• САН-ФРАНЦИСКО.

Пентагонининг расмий кишилари «Лос-Анжелес таймс» рўзномасига хабар қилишларича, АҚШ мудофаа вазирлиги Совет Иттифоқига ва мустақиллик олган Болтиқбўйи давлатларига ёрдам бериш имкониятларини кўриб чиқмоқда.

Шу кишиларнинг айтишича, бундай ёрдам техникавий тусда ва маслаҳат тарзда бўлиши мумкин. Америкалик мутахассислар мудофаа саноатини тинч соҳага ўтказиш масалалари хусусида маслаҳат беришларидан тортиб, ядро қуролининг хавфсизлиги ва пишиқ-пухталигига таалуқли ахборотларни айирбошлашгача бўлган масалалар шу жумлага киради. Расмий кишиларнинг маълум қилишича, АҚШ Давлат котиби Ж. Бейкер Совет Иттифоқига охирги марта келган вақтида шу масала кўтарилган эди, ўшанда у СССР мудофаа вазири Е. И. Шапошников билан учрашганди.

• БМТ.

БМТ Бош котиби Хавьер Перес де Куэльярнинг фикрича, 1985 йилдан буён жаҳон майдонида рўй бераётган ўзгаришлар БМТ турғунликка учраган узоқ давр тугашига олиб келди.

Унинг БМТ иши тўғрисида сешанба куни бу ерда эълон қилинган ҳар йилги маълумотномасида таъкидланишича, ҳозирги воқеалар Европа — Осиё қитъаси шимолидаги анчагина қисми сиёсий харитасини ўзгартирмоқда. Совет Иттифоқи, Болтиқбўйини, шунингдек Шарқий Европа мамлакатларини назарда тутувчи мана шу ибора БМТнинг расмий ҳужжатларида биринчи бор тилга олинди.

Х. Перес де Куэльяр халқаро ҳамжамиятнинг диққат-эътиборини халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда қурол-яроғларни чеклаш, камбағалликнинг кўпаяётганлиги, атроф муҳитнинг ҳолати ёмонлашаётганлиги, наркотик моддалар савдоси ва жиноятчилик каби ялпи муаммоларни ҳал этиш соҳаларига қаратишни таклиф қилди.

• ТЕҲРОН.

БМТ бош котиби Х. Перес де Куэльяр сешанба куни Эрон пойтахтига ташриф буюрди.

Х. Перес де Куэльяр матбуот учун берган баёнотида ташриф режасида Эрон раҳбарлари билан афғон муаммосини тинч бартараф этиш хусусида музокаралар ўтказиш кўзда тутилганини уқтириб ўтди. Бундан ташқари, Теҳронда Эрон—Ироқ қуролли можаросининг оқибатларини тугатишга, шунингдек Ливандаги ғарблик тутқунларни ва Исроилдаги араб маҳбусларини тезроқ озод қилишга таалуқли масалаларни ҳам муҳокама қилмоқчиман, деб таъкидлади у.

• БМТ.

Бугун Хавфсизлик Кенгашининг янги аъзолар қабул қилиш комитети Латвия, Литва ва Эстонияни БМТга қабул этиш ҳақидаги тавсияни маъқуллади.

Бу тавсия комитетнинг қисқача маълумотномасида баён этилган, мазкур маълумотнома хавфсизлик кенгашининг муҳокамасига тақдим қилинади. Пайшанба куни эрталаб Хавфсизлик Кенгаши ўзининг расмий мажлисига тўпланади, шу мажлисда Бош Ассамблеяга Болтиқбўйи жумҳуриятларини БМТ аъзолигига қабул қилишга тавсия этиш ҳақида қарор чиқарилади, деб кутилмоқда. Хавфсизлик Кегашининг тавсияси эса Бош Ассамблеянинг ялпи мажлисида кўриб чиқилади. Бу Бош Ассамблеянинг 46 сессияси очиладиган кун — 17 сентябрдаги мажлисда кўриб чиқилиши эҳтимоли бор.

• ПЕКИН.

Пекин ҳарбий округининг қўшинлари тўла жанговар шай ҳолатда турибди. Бунинг исботи тариқасида сешанба куни эрталаб Хитой пойтахтидан 100 километр нарида мисли кўрилмаган ҳарбий машқлар бўлиб ўтди.

Машқларда ХХР Раиси Ян Шанкунь, ХХР Давлат Кенгашининг Бош вазири Ли Пэн, ХКП Марказий Комитетининг Бош котиби Цзян Цзэминь, мамлакатнинг бошқа давлат, партия ва ҳарбий раҳбарлари ҳозир бўлдилар. Улар уч соат мобайнида пиёдаларнинг, тўпчилар, зирхли танкчилар ва ҳаво десантчилари бўлинмалари, муҳандислик қўшинлари, химиявий ҳужумдан мудофаа хизмати, шунингдек қуролли полиция ва халқ лашкарларининг ҳаракатларини кузатдилар. Чамаси, Хитой раҳбарлари кўрганларидан мамнун бўлдилар. «Жэньминь жибао» рўзномасининг хабар қилишича, Цзян Цзэминь машқлар тугаганидан кейин аскарлар билан офицерлар жанговар тайёргарлиги ва сиёсий фазилатлари даражасини юқори баҳолади.

Ғарбдаги баъзи ахборот воситаларининг хабарларига қараганда, Хитой халқ озодлик армиясининг қўшинлари яқинда оширилган жанговар шай ҳолатга келтириб қўйилганини, «СССРдаги вазият беқарорлашганлигига» жавобан ва озчиликни ташкил этган миллатлар яшовчи районлардаги аҳрамачилик ҳаракатлари хусусидаги хавотирлик сабабли шундай чора кўрилди, деб ҳисобламоқдалар.

• ТОКИО.

Япония миллий мудофаа бошқармаси навбатдаги 1992 молия йили учун 4 триллион 622 миллиард иена (салкам 34 миллиард доллар) пул сўради.

Бу — ҳозирги йилгидан 5,38 фоиз кўп. Шу маблағга, жумладан 28 та «Т—90» танки, 10 та ўт очувчи вертолет, 2 та эсминец, сув ости кемаси, 15 та «Ф—15» самолёти ва бошқа бир қанча замонавий жанговар техника сотиб олиш режалаштирилмоқда. Қурол-яроғ ва жанговар техниканинг янги турларини ишлаб чиқишга анчагина маблағ ажратиш ҳам мўлжалланмоқда.

(ТАСС, 11 сентябрь).

Шоир ижодхонасида

УСТОЗЛАРДАН САБОҚ ОЛИБ...

Пўлат МЎМИН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Ҳазрат Навоийнинг фардлари — ҳикматли байтлари ҳам халқ тилида, дилида. Кўплари эл мулкига айланиб кетган.

Одами эрсанг демагин одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

Тилга ихтиёрсиз —
Элга эътиборсиз.

Халқона, шарқона оҳангдош, осон тушунарли қўйма фардлар... Бу каби марварид байтлар достонларда, ғазалларда ва рубоийларда жило бериб ётибди. Бу фардлар улуғ Навоийнинг ҳадислари, ҳикматлари! Мағзини чаққан сарнинг мазаси билинаверади. Булар ҳануз халқимизга маънавий озуқа бериб келмоқда.

Орзуга айб йўқ, дегандай, мен ҳам устозлардан сабоғу мадад олиб, фардлар машқига тушганман. Бу фардларга «Ён дафтарим — жон дафтарим» дебон исм бердим. Улар:

«Бу тўқиган фардларим — Юракдаги дардларим» дея якунланади.

Зеро, ҳар бир ижодкорнинг дарди-илҳоми эл дарди билан боғлиқ.

НАВО БЎЛИБДУР

/НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС/

Жоно, сифатинг расо бўлибдур,
Бошингда не бахт хумо бўлибдур.
Қошингдинми дил яро бўлибдур.
Кўзинг не бало қаро бўлибдур.
Ким жонга қаро бало бўлибдур.

Мадҳингга неча ашъор тўқилди,
Пойинга мудом гулми тўкилди
Шифо топай деб бемор йиқилди
Мажмуи даво не дард қилди,
Дардингки, менга даво бўлибдур.

Кимлар экан у йўлингда гирён!
Васлингга етиш эрурми осон!
Қалбимда недур этадур туғён!
Ишқ ичра анинг фидоси юз жон,
Ҳар жонки, сенга фидо бўлибдур.

Ёдинг била банд ҳар кечар оним,
Ўртанадир бил — жони-жаҳоним,
Кўзимдан ошкор дилда фиғоним,
То қилди юзунг ҳавоси жоним,
Юз сори анга ҳаво бўлибдур.

Бўлгайми туғал ҳикояти ишқ!
Ҳар дилга зарур ҳимояти ишқ.
Мўмин ёзибон баёноти ишқ, —
То тузди Навоий ояти ишқ,
Ишқ аҳли аро наво бўлибдур.

ОНТ УРМАСИН, НОН УРМАСИН

Ҳеч қаерда, ҳеч қачон
Инсонни инсон урмасин,
Оналар тинчи кетиб
Фарёд-у туғён урмасин.

Дилда нелар борлигин
Виждон ҳамиша пайқагай.
Бошқариб турган сени
Қалбингда виждон урмасин.

Бу ҳаёт паст-у баланд,
Турлича ҳолат учрагай,
Ногоҳон устозини —
Шогирди нодон урмасин!

Дейдилар меҳмон азиз,
Жой бер кўнгиллар тўридан,
Эс кетиб, одоб кетиб,
Меҳмонни мезбон урмасин.

Эл ишончи ҳар қачон
Сенга мададкор аслида,
Босмасин асло ғурур,
Йўлданки шайтон урмасин.

Бахш этар билсанг ҳузур
Шукроналик, шукроналик,
Бахтим оз деб нолима,
Бил, даври-даврон урмасин.

Онт ичиб, нон-у сўзинг —
Ҳардам муқаддас сақлагил,
Эй, Мўмин, ҳеч кимсани
Онт урмасин, нон урмасин!

ФАРДЛАР

Яхшиликдан эк дарахт,
Мева берар ҳаммавақт.
Очиқ айтай шу пайтлар,
Кўпаймоқда лоқайдлар
Имонини ҳимоя —
Қилмоқлик улуғ ғоя.
Ўзга элни уя қилманг,
Ўзга нонин туя қилманг.
Ҳозир нима энг қиммат?
— Ҳиммат, ҳиммат ва ҳиммат...
Болангни қилсанг эрка,
Ташвишинг ортар эрта.
Мажлисбозлик кўп жойда,
Ишлаш экан бефойда.
Ўрганмасанг она тил,
Тилинг бўлар ола тил.
Кимки бўлса агар кўрс,
Чидамайди унга дўст,
Бўлмоқлик гумроҳ,
Энг оғир гуноҳ.
Етишмаса инсоф-ҳамият,
Ортга кетар бутун жамият...

Аждодларнинг қабрин таваф —
Этмоқликдир асл савоб.
Ип уланса қолар тугуни,
Дўстликка ҳам ўхшатинг уни.
Дейдиларким, дуони олтин,
Илож бўлса иккови олтин.
Нодоннинг кичик каттаси йўқ,
Нодонликка паттаси йўқ!
Кимдир оёқдан чалар.
Ким эса карнай чалар.
Ким хатосин тан олгай,
Яхши номда танилгай.
Ҳақ одамни сўкмоқлик,
Ўз обрўсин тўкмоқлик.
Яхши билан кенгашгил,
Кейин унга тенглашгил.
Яхши одоб — яхши хулқ,
Одамда туганмас мулк.
Жудаям оғир муҳлат.
Бошдан кетгунча туҳмат.

Элда бўлса кекса-улуғ,
Топиб берар илож — йўруғ.
Эл ишини эплаш учун
Ҳар ким билсин ўз кучин.
Ким меҳнатсиз бойиб кетса,
Ажабланманг тойиб кетса...
Дилдаги ҳар бир ҳасад,
Боғлаб ётади пасад.
Не етсин яхшиликка,
Ўхшар пишган иликка.
Бир миллатга бир миллат —
Дўст бўлса, қилмай миннат.
Кўнгилнинг ўз кўчаси бор,
Кенгларга кенг, торларга тор.
Нима зарур ҳамиша?
Одоб билан андиша.
Суллоҳнинг жирканч иши:
Елғондан жилмайиши
Минганингда мансабга,
Жилов берма асабга.
Енгиш учун асоратни,
Ишлат дерлар жасоратни.

ЮРТИМ—ХАЛҚИМ ДЕГАНИМДА

Пайдо бўлур завқ-у ҳузур
Ноним бутун еганимда.
Дилга тўлур фахр-у ғурур
Юртим — халқим деганимда.

Қолган гоҳо маломатга —
Боболарим кепар ёдга.
Етарманми адолатга —
Юртим — халқим деганимда

Икки қўлим қанот мисол
Қупоч очар элга дарҳол.
Риску рўзим бўлгай ҳалол
Юртим — халқим деганимда

Қушлар билан тенг уйғондим,
Тузни ичдим, сувга қондим.
Минг қувондим, минг бор ёндим —
Юртим — халқим деганимда

Мен учун кенг оламдайин,
Улуғлайман онамдайин.
Яшай мен ҳам одамдайин
Юртим — халқим деганимда.

ЯХШИЛАР БАРДОШИДАН

Не маломат ўтмаган
Кўп яхши инсон бошидан,
Жилғалар дарё бўлиб,
Оққан тўкилган ёшидан

Ул алиф қоматлари
Дол бўлган-у лек синмаган.
Сочларига тушган оқ
Гоҳо йигитлик ёшидан.

Дардларин пинҳон тутар
Боқсанг улар авзойига,
Айтинг энди ҳеч қачон
Ёв чиқмасин сирдошидан.

Кўзни суртсанг арзигай
Ғарчанд улар хок-пойга,
Покиза одам аёи
Иссиқ юзи, кўз-қошидан.

Яхшиларнинг суҳбати
Бўлгай сифатли ҳар қачон.
Таълим олгин, эй, Мўмин,
Сен яхшилар бардошидан.

• АКС—САДО

«ЎН БЕШИДА СОЧИ ОҚАРГАН ҚИЗ»

(«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ», 1991 ЙИЛ, 3 ИЮЛЬ)

Хатлардан парчалар

● ҲУРМАТЛИ муҳаррир!

Рўзноманинг 1991 йил 3 июль сонида мухбирингиз Алишер Ибодиновнинг «Ўн бешида сочи оқарган қиз» сарлавҳали мақоласи босилиб чиқди. Мақолани ўқиган ҳар бир виждонли киши ўта тўлқинланмай иложи йўқ. Зулхумор узоқ ўлкаларда ҳибсда кечираётган аянчли ҳаётини эслаб кўз ёшимни тўхтата олмадим.

Оилавий турмушга енгилелпи муносабатда бўлиб келган Мухтор исмли кимсанинг айби туфайли, қолаверса, уйда ота ёрдамисиз оч-яланғоч қолган еттита тирик етимнинг қорнини тўйдириш, ювинтириш, кийинтиришни ўз устига олган ака ва сингиллар — 16 ёшли Қўшдор ва 15 ёшли Зулхуморларнинг қандай ҳаёт кечираётганликлари билан қизиқмаган маҳалла жамоатчилиги, фаоллари, айрим қўни-қўшниларнинг ҳам оз-моз бўлсада айблари, лоқайдликлари бўлса керак, деб ўйлайман.

Ҳозирги даврда ночор иқтисодий аҳволга тушиб қолган оилаларга, касалмандларга, ногиронларга, етим-есирларга ёрдам қўлини узатаётган ажойиб инсонлар, давлат ва бошқа турли раҳм-шафқат ташкилотлари, диний жамоалар — ана шундай хайрли ишларни юқори даражада амалга ошираётган бир даврда неча Гулойимлар оиласи шундай ёрдам ва меҳр-шафқатдан четда қолди экан? Нега бу оила тақдири билан Қувасой шаҳар маъмурлари ва жамоатчилик етарли қизиқмади? Наҳотки, ўз ва ўгай укаларига доимо меҳрибон, ўзи оғир касалманд бўлишига қарамай уларни едириб, кийинтириб, ювинтириб юрган Зулхумор ўз синглисининг ўлимига сабабчи бўлди?

Шу сабабли мен ўйлайманки ҳар бир жиноят ва жиноятчи тергов органлари, прокуратура ва судда кўрилганда уларга фақат совет қонунчилиги чегарасидагина баҳо берилмасдан, умуминсоний, одамгарчилик, раҳм-шафқат қонуниятлари нуқтаи назаридан ҳам баҳо берилиши керак.

М. МАМАТЖОНОВ,
профессор.

● МАҚОЛА эълон қилингандан бери кечаси уйқу элтмайди. Ахир 15 ёшли бир қизчага шунчалик зулмми?..

Мени у ларзага солади. Бўлган воқеани суд одилона кўрмаган. Кўрганда ҳам палапартиш, шафқатсизларча кўрганлар, шекилли...

Зулхумор, қизим, ўзингни, қўлга ол, иродасизлик қилма, бардам бўл!

А. БАҲОДИРОВ,
пенсионер-ўқитувчи, Ульянов райони.

● АССАЛОМУ алайкум!

Рўзномангиз кейинги пайтда ҳақиқатни кўпроқ кўтариб чиқяпти. Раҳмат! Мен 3 июль сонидаги «Ўн бешида сочи оқарган қиз» мақоласини эркак киши бўлсам ҳам ҳўнграб зўрға ўқидим. Ўзбек халқига нима бўлди ўзи, диёнат, виждон, адолат қани, кўр бўлиб қолдикми?! Шундай ишлардан хабардор қўни-қўшни, маҳалла-кўй қаёққа қарайди? Шунчалар дийдамиз тошга айландими? Яна судьяларимизга ҳам ҳайронман. Ҳеч қаерни кўрмаган касалманд қизни РСФСРга юборса уят эмасми? Ахир қанчадан-қанча юқумли тери касалликларга чалинган келгинди суюқоёқларни ҳам бағрига олаётган (аввало олмаслик керак!) Ўзбекистон ҳалқлик. Яна рўзнома муҳаррирдан шу мақоланинг натижасини ёритилишини илтимос киламиз.

А. ПАРМОНОВ,
Акмал Икромов райони.

● МЕН мақолани ўқиб, шу ишни кўрган суд ҳайъатини экин майдонига кирган бўталоқни тутиб бўғизлаган жоҳил қассобга ўхшатдим. Бўталоқни экин майдонига қўйиб юборган эгаси жазосиз қолиши мумкинми?

Н. ИКРОМОВ,
Боёвут райони

Расмий жавоблар

Рўзнома бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Р. РАҲМОНОВГА.

Маҳбус қиз Зулхумор Боймирзаевани Ўзбекистонга олиб келиш масаласидаги мактубингиз кўриб чиқилди.

Афсуски, илтимосингизни қаноатлантириш имкони бўлмади, чунки Ўзбекистонда аёл жинсига мансуб ўсмирларни сақлаш учун ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаси йўқ.

Ҳозир Ўзбекистон Прокуратураси бу жиноят ишини назорат тартибида кўриш юзасидан иш олиб бормоқда.

Зулхуморнинг акаси 1974 йилда туғилган Қўшдорали Боймирзаев Тошкентда жазо муддатини ўтаётган эди. У Тошкент шаҳар Ҳамза район халқ суди ажримига кўра муддатидан 6 ой 9 кун олдин шартли тартибда озодликка чиқарилди ва Қувасойга жўнаб кетди.

Т. МУРОТХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари.

●

Рўзнома бош муҳарририга

Рўзномангизнинг шу йил 3 июль сонида «Ўн бешида сочи оқарган қиз» сарлавҳали мақоласи эълон қилингандан сўнг, жиноят иши вилоят прокуратураси орқали чақиртириб олинди ва республика прокуратурасида ўрганиб чиқилди.

Жиноят ишида тўпланган материалларга кўра, дастлабки тергов ва суд органлари томонидан судланганлар З. Боймирзаева ва Қ. Боймирзаевларнинг ҳаракатларига бирмунча нотўғри юридик баҳо берганлиги кўринади. Боймирзаева З. ўгай сингласи Боймирзаева Бозоргулни уриб ўлдиришига сабаб бўлган ҳолатларга етарлича баҳо берилмаган.

Шу сабабли жиноят иши юзасидан қабул қилинган суд қарорларини ўзгартириш, яъни З. Боймирзаеванинг ҳаракатларини кучли руҳий ҳаяжонланиш натижасида одам ўлдирганлик жиноятининг сифатида қайта баҳолаш, шу модда билан жазо тайинлаш, унга нисбатан Ўзбекистон ЖКнинг 44/1 моддасини қўллаб, жазо ўташ муддатини 2 йилга кечиктириш, акаси Боймирзаев Қ. ҳаракатларида жиноят бўлмаганлиги учун жиноят ишининг тегишли қисмини бекор қилиш ҳақида Фарғона вилоят суди ҳайъатига норозилик берилди.

Ф. РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси.

ҚАЙТА ҚУРИШ ВА ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ БЎЛИМИДАН

Азиз муштарий!

Мана, Сизнинг хоҳиш-иродангиз ва рўзнома таҳририяти ҳаракати билан муддаога асосан эришдик. Турмуш чорраҳаларида билмай қоқинган навниҳол қизнинг тақдири ўз ҳолига ташлаб қўйилмади. Сиз билан бизнинг овозимиз олий ҳуқуқ идораларига етиб ўз таъсирини ўтказди. Иш қайта кўрилиб, енгилатиш томонига ҳал қилинишига асос яратилди. Пировард натижа «Ўзбекистон овози» орқали яна хабар қилинади.

Рўзномамизни ўқиб боринг, келгуси йилга ҳам обуна бўлишни унутманг. Давлат мустақиллигини олган республикамизнинг бош рўзномаси «Ўзбекистон овози» Сизга доимий йўлдош, маслаҳатчи ва дўст бўлиб қолади.

ЯНГИЛИКЛАР ОҚИМИДАН

«Мурувват» кичик корхонаси жамоаси ишлаб чиқараётган болалар кийимларининг яхши сифати ва унча қиммат эмаслиги уларнинг харидоргир бўлишини белгиламоқда. Бу корхона Олтинкўл районидаги Куйбишев номли колхозда очилган. Кичик корхона ходимлари оммавий эҳтиёж молларидан ташқари қишлоқ аҳолисининг буюртмаларига асосан уйларни таъмирлашади, ҳамюртларига транспорт хизмати кўрсатишади.

* * *

Қорақалпоғистон жанубида истиқомат қилаётган аҳолининг уйларини электр қуввати билан таъминлаш анча яхшиланди. Тўрткўл ва Беруний районларида электр тармоқлари қувватини барқарорлаштирадиган бир неча конденсатор қурилмаси бир йўла ишга туширилиши билан шундай имконият яратилди. Қорақалпоғистон электр тармоқлари корхонаси яқин орада бу ерда электр қуввати истеъмолчиларини барқарор таъминлаш мақсадида бир қанча тадбирларни амалга ошириш ниятидадир.

* * *

Самарқанд чинни заводининг ҳар бир ишчиси эндиликда маошига қўшимча равишда 180 сўмдан пул олмоқда. Корхона маҳсулотларига харидорларнинг талаби жуда катта, шу сабабли барқарор фойда олинмоқда, натижада ишчиларга салмоқли компенсация тўлаш имконияти пайдо бўлди. Бундан ташқари фойда ҳисобидан завод ошхоналарида ишчилар учун бериладиган тушликнинг нархи ҳам қопланмоқда. Фахрийларни ҳам унутишгани йўқ — улар заводдан ҳар ойда кўшимча ҳақ олишмоқда.

(ЎзТАГ).

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

СССР ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИ

НАҚД ПУЛ БИЛАН БОҒЛИҚ БАРЧА ТАШВИШЛАРИНГИЗНИ ЖАМҒАРМА БАНКИНГИЗГА ҚЎЙИБ БЕРИНГ, БУ ЕРДА ҲАҚИҚАТАН ҲАМ СИЗНИНГ ВАҚТИНГИЗ ВА САЛОМАТЛИГИНГИЗНИНГ ҚАДРИГА ЕТИШАДИ.

ОМОНАТЛАР БЎЙИЧА НАҚД ПУЛСИЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ

Сизга маблағ тўплашнинг қулай шаклларидан фойдаланишингизни маслаҳат берамиз. Бу Сизнинг корхона, ташкилот ва муассасалардан оладиган пул маблағларингизни нақд пулсиз омонат ҳисобларига ўтказиш демакдир.

Сиз иш жойингиздаги ҳисобчилар хонасига ойлик маошингизни ёки унинг бир қисмини ўзингизнинг Жамғармалар банкидаги ҳисобингизга ўтказиб бориш тўғрисида топшириқ беришингиз мумкин.

Шунингдек, Сизнинг истаганингизга мувофиқ пенсиялар, қалам ҳақлари ва бошқа турдаги даромадларингиз ҳам омонат ҳисобига ўтказиб борилиши мумкин.

МОЛЛАР ВА ХИЗМАТЛАР УЧУН НАҚД ПУЛСИЗ ҲАҚ ТЎЛАШ

Одатда, мунтазам равишда кўп ҳолларда эса ҳар ойда уй-жой, коммунал хизматлар, электр қуввати, газ, телефон учун ёки бошқа бир турдаги тўловларни тўлашингизга тўғри келади.

Ўзбекистон Республика Жамғарма банки Сизнинг топшириғингизга кўра бир марталик тўловлар билан бир қаторда, ана шундай операцияларни узоқ муддат мобайнида бажариб бориш мажбуриятини ҳам ўз зиммасига олади.

Бу эса, Сизнинг яна бир мушкулингиз осон бўлганлигини англатади, яъни эндиликда Сизга у ёки бу тўловни тўлашга кечикмадимми деб ўйланишга ҳожат қолмайди.

СССР ЖАМҒАРМА БАНКИНИНГ ЧЕК ДАФТАРЧАСИ

Ўзбекистон Жамғарма банки ўзининг мижозларига чек дафтарчаларини беради. Демак, Сиз ўзингиз билан йирик пул маблағини олиб юриш ташвишидан халос бўласиз. Чек дафтарчаси ёрдамида сиз харид қилинган моллар учун ёки хизматлар учун ҳақ тўлашингиз мумкин. Лекин барибир Сизга нақд пул керак бўлиб қолса, Сиз уни СССР Жамғарма банкининг исталган бўлимидан олишингиз мумкин. Жамғарма банкининг Сиз талаб қилиб олгунча омонат ҳисобини очган муассасасида омонатингиз миқдори атрофидаги пулга Сизга чек дафтарчасини беришади. Битта чек дафтарчаси энг кўпи билан 10 минг сўмга берилади. Чек дафтарчасида йиртиб олинадиган 12 та чек бор.

Чек дафтарчаси берилган пул миқдорига фоиз ҳисоблаб борилаверади.

Агар Сиз чек дафтарчангизни йўқотиб қўйган бўлсангиз, ташвиш қилманг! Бунда фақатгина чек дафтарчасини йўқотган ҳисобланасиз, пулингиз эса дахлсиз қолаверади.

Битта чек дафтарчаси — 2 йилгача ҳақиқий ҳисобланади, бироқ бу муддат яна 2 йилга узайтирилиши мумкин.

СССР ЖАМҒАРМА БАНКИНИНГ ҲИСОБ ЧЕКИ

Жамғарма банкининг исталган муассасасида ёзиб берилган ҳисоб чеки мамлакатнинг бутун ҳудудида Сизга нақд пул ўрнини босади.

Ҳисоб чеки йўлда пул сақлаш учун жуда қулайдир. Сиз уни СССР Жамғарма банкининг исталган муассасасида нақд пулга алмаштиришингиз мумкин.

Ҳисоб чеки воситасида Сиз республика дўконлари ва савдо ташкилотларида харид қилинган ҳар қандай йирик моллар учун ҳеч бир монеликсиз ҳақ тўлашингиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ЖАМҒАРМА БАНКИ «СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

Ўзбекистон Моддий-техника таъминоти давлат-кооператив комитети

БУХОРО МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШ БОШҚАРМАСИНИНГ

ТИЖОРАТ МАРКАЗИ

барча манфаатдор корхоналар, ташкилотлар, жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари, кооперативлар, фирмалар, кичик корхоналар, ассоциацияларнинг вакилларини ва якка тартибдаги хусусий меҳнат билан шуғулланувчи фуқароларни

МИНТАҚАЛАРАРО ЯРМАРКАГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ярмарка шу йилнинг 19-20 сентябрида Бухоро шаҳридаги Тижорат маркази биносида бўлиб ўтади: Бухоро шаҳри, С. Муродов кўчаси, 12-уй.

хўжалик алоқаларини ўрнатиш;

савдо битимларини тузиш;

бартер операцияларини амалга ошириш

ЯРМАРКА ДАСТУРИДАН ЎРИН ОЛГАН

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 5-64-70, 5-62-94, 5-49-97.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, КИЧИК ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Қурилиш вазирлигининг марказий ўқув комбинати Электр-газ пайвандчи, автомобиль, кўприкли, минорали кранларнинг машинистлари ва барча турдаги қурилиш ҳунари бўйича ўқитиш учун 1992 йилга

ШАРТНОМА ТУЗАДИ

Машғулотлар ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда (кечки) олиб борилади.

ЎҚИШ УЧУН ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ЁКИ НАҚД ПУЛ ТЎЛАНАДИ.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 55-36-11, 54-92-16, 54-94-87.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси жамоаси ўрмончилик соҳасидаги таниқли олим, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор, РСФСРда хизмат кўрсатган фан арбоби, ВАСХНИЛнинг мухбир-аъзоси

Георгий Петрович ОЗОЛИНнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги жамоаси етакчи мутахассис Ф. А. Ҳасановага отаси

Абдулла ҲАСАНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СПОРТ

НАФИ ТЕГАРМИКИН

● «ПАХТАКОР» футболчиларининг ҳозирги аҳволи ишқибозларни ташвишга солмоқда. Мавсум якунланиш арафасида футбол жамоамизни олий лига билан хайрлашиш хавфида турганн кимни ўйлантирмайди, дейсиз. Зеро, жамоа мутасаддилари пахтакорчиларнинг мавқеини мустаҳкамлаш, ўнгланиб олиши йўлида ташкилий ва тадбирий ишларни амалга оширишмоқда. Жамоа бошлиғи А. Толибжоновнинг маълумотига қараганда пахтакорчилар сафига бир қатор умидли ёшлар қўшилган. Чунончи, «Навбаҳор»дан ярим ҳимоячи Олег Синелобов яна қадрдон жамоага қайтди. Тўрткўлдан Акмал Ҳошимов, Тошкентнинг «Умид» жамоасидан Мурод Алиев, чирчиқлик Денис Иванков, нукуслик Ниғмат Кутебоевлар ҳам пахтакорчилар сафида ўйнашга қарор қилишди. Демак, республика бош жамоасига мадад кучлари келиб қўшилди. Лекин, бундай уринишлар «Пахтакор»нинг олий лигадаги ўрнини сақлаб қолиши учун имкон берармикан.

КУЧЛИ ОЛТИЛИКДА

● МАЪЛУМКИ таниқли велосипед пойгачиси Жамолиддин Абдужабборов Италиянинг «Карера» фирмаси билан ҳамкорлик қилиб, профессионал спортчи сифатида фаолият кўрсатмоқда. У яқинда Испанияда давом этаётган халқаро турнирда ўзини кўрсатди. Жамолиддин 172 километрли тўртинчи босқични тўрт соат, беш минут, 30 секундда босиб ўтиб, кучли олтиликдан жой олди.

СОВРИНДОРЛИК БАҲСИДА

● МОСКВАДА «Советский патриот» рўзномаси совринни учун мерганларнинг халқаро мусобақаси давом этмоқда. Тошкентлик Сергей Иваненко ётган ҳолатда нишонга олиш баҳси бўйича 697,2 очко тўплади. Мерганимиз маҳорат кўрсатиб ҳал қилувчи баҳсга йўлланма олиш учун курашмоқда.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУҲТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-36-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12 Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» («ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5984.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 22.30.

№ 178.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12